



XASR



ЎТМОЙ-СИЙОСИ ГАЗЕТА

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

02 ННТлар сони 7,8 мингтадан ошди

05 Таянч тузилмалар юқори эътиборни талаб этмоқда



07 Таҳдид сояси

2014 йил 20 февраль, пайшанба, 07 (535)-сон

e-mail: xxi_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz

➤ БАРҲАЁТ АНЪАНАЛАР

Маҳорат сабоги ўтказилди

Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманида халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантириш масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Республика «Хунарманд» уюшмасининг Мўйноқ тумани бўлими томонидан ташкил этилган тадбирда мутахассислар ва каштадўз хунармандлар иштирок этди.

Қадимий миллий қадриятларимиздан бўлган хунармандчилик мустақиллик йилларида қайта тикланди, соҳа кишилари қадр топди.

Халқимизнинг бой маданий мероси ва миллий анъаналарини ўзида тўла ифода этган каштачилик бугунги ёшлар томонидан изчил давом эттирилмоқда.

Иштирокчилар уюшманинг Мўйноқ тумани бўлими қошида ташкил этилган «Қорақалпоқ чевари — Манзура» корхонаси фаолияти билан яқиндан танишди.

Қорақалпоқ миллий либослари, нақшлар, либослар учун тури хил безаклар тайёрланаётган корхонада 12 нафар аёлнинг бандлиги таъминланган.

— Бу ерда қизларнинг каштачилик сирларини кунт билан ўрганиши, уни ижодий бойитиши учун барча шароитлар яратилган, — дейди нуқуллик хунарманд Зухра Султонова. — Моҳир усталардан сабоқ олаётган ёшлар яқин йилларда ўз кашталари билан хоржиликларни ҳам мафтун этишига ишонамиз.

Тадбир доирасида қўли гул усталар, моҳир тикувчилар иштирокида маҳорат сабоқлари ўтказилди.

(ЎЗА)

➤ ҚАРОР ВА ИЖРО



Нуроталик санъатсевар болалар

Навоий вилояти Нурота туманидаги 5-болалар мусиқа ва санъат мактабидида 180 нафар ўғил-қиз таҳсил олмақда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш буйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори асосида 2012 йилда қайта реконструкция қилинган ушбу санъат маскани 536 миллион сўмликдан зиёд янги жиҳозлар билан таъминланди.

23 нафар малакали педагог фаолият курсатаётган даргоҳда фортепьяно, торли чолғу асбоблари ижрочилиги, тасвирий ва амалий санъат, анъанавий хонандлик каби ўнга яқин йўналишда машғуллар йўлга қўйилган.

Мактаб ўқувчилари орасида Ситора Нажмиддинова, Муқимжон Хайриев мамлакат миқёсидаги кўрик-танловларда ҳам муваффақият қозонган.

(ЎЗА)



Соллик СОВР оғраги сўраб

Биринчи ўқишда муҳокама этилди

О'zLiDeP фракциясининг навбатдаги йиғилишида ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда долзарб аҳамиятга эга бўлган бир қатор қонун лойиҳалари биринчи ўқишда атрофлича муҳокама қилинди

Унда депутатлар томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолиятида пафтофликни таъминлаш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларнинг мазмун-моҳияти, мақсади тўғрисида кенг жамоатчиликни мунтазам хабардор қилиш — мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш, кучли фуқаролик жамияти барпо этишининг

муҳим йўналиши эканини яна бир бор таъкидлашди. — Президентимиз Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган кўнма мажлисида мазкур қонунни қабул қилиш ташаббусини илгари сургандилар, — дейди О'zLiDeP фракцияси аъзоси Абдурашид Жўрабовов.

3 >>>

Фуқаролик жамияти институтлари — демократик ислохотларнинг фаол иштирокчилари

Тошкентда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожланишининг сифат ва миқдор ўзгаришлари» мавзусидаги ҳисобот конференцияси бўлиб ўтди

Унда парламент аъзолари, давлат тузилмалари, фуқаролик жамияти институтлари, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган халқаро ташкилотлар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига эга демократик давлат қуриш, инсон манфаатлари, ҳуқук ва эркинликларини асосий қадриятга айланди, қонун устуворлиги таъминланган фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлини тандади. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ва жаҳонда кенг эътироф этилган ислохотларнинг «Ўзбек модели» давлатимиз томонидан мамлакатимизни ислох этиш ва модернизация қилиш бўйича танланган йўлнинг асосига айланди. Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш бу борадаги

ислохотларнинг асосий тамойилларидан биридир.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти директори Э.Солихов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш буйича Парламент комиссияси раиси А.Саидов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори А.Абдувоҳидов, Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т.Норбоева ва бошқалар Президентимиз томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларини янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгилаб берилган вазифаларнинг амалга оширилиши фуқаролик жамияти институтларининг ривожланишида янги босқич бўлганини алоҳида таъкидлади.

2 >>>

➤ ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Кичик бизнес учун катта имкониятлар

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2013 йил 8 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки қошида ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ижрочи директори Жаҳонгир Мустафоевнинг «XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририятида тадбиркор ва фермерлар билан ўтказган «Очиқ мулоқот»и чоғида хусусий сектор вакиллари

нинг маълумки, давлатимиз раҳбарининг «2014 йил юқори ўсish суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади» номи маърузаларида белгилаб берилган устувор йўналишлар, айниқса, хусусий сектор вакиллари



қўллаб-қувватлаш борасидаги долзарб вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда бу борада жамоатчилик назоратини қатъий йўлга қўйиш барча соҳа ва тизимлар катори миллий матбуотимиз зиммасига ҳам алоҳида масъулият юқлади.

3 >>>

➤ ТАДБИРКОРЛИК

Ташқи савдо учун кўприк

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент вилоят худудий бошқармаси Жанубий Корейнинг Пусан ва Россия Федерациясининг Красноярск шаҳри Савдо-саноат палаталари билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битим имзолади. Ана шу келишувнинг би-

ринчи босқичига кўра, кишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилувчи бир гуруҳ тадбиркор ва фермерлар хоржилик ишбилармонлар билан шартнома тузиш учун Корея Республикаси ва Россияга борадиган бўлиши.

4 >>>

➤ «АЁЛЛАР ҚАНОТИ»

Хайрли ташаббус

О'zLiDeP Бухоро вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» ташаббуси билан Бухоро туманидаги кўп тармоқли марказий поликлиникада бир кунлик кўрик ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, тадбир давомида онколог, маммолог, гинеколог ҳамда психологлар иштирокида 103 нафар хотин-қизга хизмат кўрсатилди. Улардан 17 нафаридида кўкрак бези лимомаси, 11 нафаридида зоб касаллигининг биринчи ва ик-

кинчи белгилари аниқланиб, уларга даволаниш учун зарур тавсиялар берилди.

— Аёлга, ўсиб келётган ёш авлодга эътибор — бу жамиятнинг эртаси ва келажакга эътибордир, — дейди Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқени ошириш бўлими мудири Мағлуба Жўраева.

4 >>>

ТАДБИРКОРЛАР, ИШБИЛАРМОНЛАР ХАМДА ФЕРМЕРЛАР ДИҚҚАТИГА:

2014 йилнинг 28 февралда ўтказилган очик мулоқотда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Улугбек Мустафоев сизнинг саволларингизга жавоб қайтаради.

6 >>>



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2014 йил 18 февралдан бошлаб валюта операциялари буйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботлари юритиш, шунингдек, боғич ва бошқа мажбурий тўловлари учун хоржий валюталарнинг сўма нисбатан қўйидаги қийматини белгилади. *) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмасдан.

1 Австралия доллари 2011.79
1 Англия фунт стерлинги 3731.30
1 Дания кронаси 408.48
1 БАА дирхами 605.19
1 АҚШ доллари 2222.73

1 Миср фунти 319.30
1 Исландия кронаси 19.65
1 Канада доллари 2026.19
1 Хитой юани 366.65
1 Малайзия ринггити 674.78

1 Польша злотийси 734.74
1 СДР 3432.14
1 Туркия лираси 1023.64
1 Швейцария франки 2495.77
1 ЕВРО 3019.36

10 Жанубий Корея вони 20.95
10 Япония иенаси 218.77
1 Россия рубли 63.05
1 Украина гривнаси 255.25

Ислоҳот

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ижтимоий йўналтирилган вазорат иқтисодийётига эга демократик давлат қуриш, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларни асосий қадриятга айланадиган, қонун устуворлиги таъминланадиган фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлини танлади. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ва жаҳонда кенг эътироф этилган ислоҳотларнинг «Ўзбек модели» давлатимиз томонидан мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича танланган йўлни асосига айланди.

Фуқаролик жамияти институтлари — демократик ислоҳотларнинг фаол иштирокчилари



Давоми. Бошланғичи 1-саҳифада

Учинчи секторнинг ривожланиш тенденцияларини аниқлаш мақсадида Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳар йили фуқаролик жамиятида рўй бераётган жараёнларнинг тизимли мониторингини ва таҳлилини ўтказиб келмоқда, ижтимоий-сиёсий ҳамда иқтисодий-иқтисодий вазибаларни бажаришда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ролини янада оширишга бағишланган турли тадбирлар ташкил этмоқда.

Навбатдаги мониторинг натижалари сўнгги йилларда мамлакатимизда демократик ислоҳотларнинг амалга ошириш, муҳим ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳақидаги аниқлашнинг шилба чикши ва ҳаётга таъбиқ этишда, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш соҳасида қонуларга риоя қилиш ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш устидан жамоатчилик мониторингини ўтказишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ролни янада ахамияти сезиларли даражада кучайганини кўрсатди.

Бу борада мамлакатимизда фуқаролик жамияти шаклланиши, унинг институтлари ташкил этилиши ва мустақамланиши йўлида зарур шароитлар яратишга қаратилган қатор тақшилий-ҳуқуқий чоралар амалга оширилди. Жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари ва фондлари, қасаба уюшмалари, ОАВ, улар фаолиятининг ҳуқуқ ва кафолатлари тўғрисида қонулар қабул қилинди. Булар фуқаролик жамиятининг институционал тузилмасини ташкил этиб, фуқароларни муҳим ижтимоий вазибаларни ҳал қилиш жараёнига фаол жалб этиш имконини бермоқда.

2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурда Нодавлат нотижорат ташкилотларини ҳал қилиш жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва фуқаролик жамиятининг бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг ташкил этилиши нодавлат нотижорат ташкилотларининг изчил ривожланишига қўмақлашмоқда. Парламент комиссияси қарорларига мувофиқ,

сўнгги беш йилда турли нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларига муҳим давлат дастурлари ва бошқа ижтимоий ахамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун 28,9 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

— Фуқаролик жамияти — ривожланган демократик давлатнинг асосидир, — деди элчи, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси Дьерль Сабо. — Ўзбекистонда фуқаролик жамияти фаол ривожланмоқда. Ушбу жараёнда биз ҳам иштирок этиб, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти каби ташкилотлар билан аниқ лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳамкорлик қилаётганимизни таъкидлашни истардим. ЕХХТга аъзо давлатлардаги ҳалқаро экспертларни тақлиф этган ҳолда тадбирлар ўтказмоқдамиз, уларда иштирокчилар тажриба алмашиб, билимларини бойитмоқда.

2013 йилнинг декабрь ойида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Экологик назорат тўғрисида»ги қонуни нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашнинг маънавий давоми бўлди. Ушбу қонун жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш масалаларини ҳал этишда фаол қатнашни имконини яратди. Нодавлат нотижорат ташкилотларини янада ривожлантиришга қўмақлашнинг мақсадида 2013 йил 12 декабрда Президентимиз Ислам Каримовнинг «Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга қўмақлашнинг борасидаги қўшимчи чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатга олиш, уларнинг ҳисобот топшириш тартибларини соддалаштириш, давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўзаро муносабатларининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган. Бундан ташқари, давлат бож ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ва уларнинг раъмзаларини давлат рўйхатига олиш

учун тўланадиган йиғимлар миқдори сезиларли даражада камайитирилди, давлат рўйхатига олиш бўйича мурожаатларнинг адиия органлари томонидан кўриб чиқиш муддати қисқартирилди.

Конференцияда нодавлат нотижорат ташкилотларининг янада ривожланишини, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самардорлигини таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш мақсадида «Ижтимоий шериклик тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонуларнинг тез муддатларда қабул қилиш зарурлиги таъкидланди. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқларини белгилаб берадиган қонунчилик талабларини бузганлиги учун давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини оширишни назарда тутадиган ўзгариш ҳамда қўшимчалар киритиш ҳам муҳим масала бўлиб қолмоқда.

— Ўзбекистонда давлат нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ривожланишига ҳар тоқлама ёрдам кўрсатмоқда, — деди «Ўзбекистондаги минтақавий мулоқот» халқаро ноҳуқумат ташкилоти (Словения) минтақавий директори Мьюша Север. — Ўзбекистон раҳбари томонидан ўтган йилнинг охирида қабул қилинган қарорда ННТларни рўйхатдан ўтказиш тартиби жиддий равишда соддалаштирилгани, уларга қўшимча имконият ва имтиёзлар берилгани бунга яққол мисол бўла олади. Ана шундай чора-тадбирлар туфайли ННТларнинг ижтимоий ва социал-иқтисодий фаолигини ортиб, фаолият самардорлиги юксалди.

Конференцияда фаолият миллий қонунчилик ва халқаро стандартларнинг барча меъёрларига мос келадиган нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижобий тажрибасини кўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг давлат ва бошқа ижтимоий ахамиятга эга дастурларнинг ҳаётга таъбиқ этилишида нодавлат нотижорат ташкилотлари саъй-ҳаракатла-

тилаётганидан, аини пайтда энг муҳим давлат дастурларини амалга оширишга ноҳуқумат ташкилотлари жалб қилинаётганидан далолат беради, — деб таъкидлади БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари ўринбосари Яко Силлерс. — Мамлакат учун муҳим ахамиятга эга лойиҳаларга ННТ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаол жалб қилиниши ва уларнинг иштироки Ўзбекистоннинг узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий тараққиётини белгилаб беради. Ушбу конференция ҳам бугунги кунда давлат сектори тадбиркорлар, учинчи сектор вакиллари билан янги иш ўринлари яратиш, соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш ва аҳоли фаровонлигини юксалтириш каби масалаларда яқиндан ҳамкорлик қилиб келаётганидан далолат беради.

Конференцияда иштирок этган хорижлик мутахассислар мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари жадал ривожланаётгани, уларни янада рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, ОАВнинг иқтисодий мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш бўйича самарали давлат сиёсати амалга оширилаётганини алоҳида эътироф этди. Мустақил ОАВ-

ҳуқуқий эксперимент натижалари инобатга олинган ҳолда такомиллаштирилган қонун лойиҳаси парламентимизнинг куйи палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Конференция доирасида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш жараёнида сиёсий партияларнинг тугган ўрни ҳам кўриб чиқилди. Маърузачилар мамлакатимиздаги сиёсий партиялар фаолиятининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Сиёсий партиялар тўғрисида», «Сиёсий партияларнинг молиялаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ва «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатини модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонунда ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган ҳуқуқий асослар тўғрисида фикр юритди. Мамлакатимизда қонунчилик асосида кўппартиявийлик тизими ва сиёсий плюрализмни ривожлантириш учун ҳам шароит яратилган.

2013 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунга халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида

нинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти даражасининг юксаклиги мамлакатимизда фуқаролик жамияти тараққиётининг муҳим омиллардан бири эканини таъкидлади. Шу муносабат билан Ўзбекистонда фуқароларнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат билан қараш, уларнинг ўз конституцион ҳуқуқларини аниқлаш, Ватанга, мамлакатимиз ва жаҳонда рўй бераётган воқеаларга дахлдорлик туйғусини шакллантириш бўйича чоралар қабул қилинган.

2013 йилда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан таълим муассасалари ўқувчилари, тадбиркорлар, фуқаролик жамияти фаоллари ўртасида ўтказилган ижтимоий сўровлар натижалари аҳолининг сиёсий, ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаолиги янада юксалганидан далолат бермоқда. Хусусан, сўровда қатнашганларнинг 95 фоизи қонунга доимо риоя этиш зарурлигини билдирган. Улар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек, ўзларининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини яхши билди.

Бу борала давлатимиз раҳбарининг 1997 йил 25 июнда қабул қилинган «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқийнос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишларини яхшилаш ҳақида»ги фармони ва 2001 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Президентимизнинг 2013 йил 28 июнда қабул қилинган «Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори юридик кадрларни тайёрлаш ва кайта тайёрлаш тизимининг самардорлигини оширишга қаратилди. Ушбу қарорга мувофиқ, Тошкент давлат юридик университетига айлантирилди, юридик таълим тизимининг фундаментал базасини тубдан ислоҳ қилиш ва яхшилаш учун асос яратилди.

Конференция қатнашчилари Ўзбекистон давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида юксак самараларга эришганини алоҳида таъкидлади.

Очик муҳокамалар давомида фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги мавжуд камчиликлар ва фойдаланилмаётган имкониятларга эътибор қаратилди ва таҳлил қилинди. Конференция якунида жамоатчилик назоратини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлашда ОАВнинг ролини кучайтириш, сиёсий партияларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш зарурлиги кайд этилди.

Мехрибон МАМЕТОВА,
ЎЗА мухбири.

2014 йилнинг 1 январь ҳолатига қўра, адлия идораларида рўйхатдан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари сони 7,8 мингдан ошди. Ҳолбуки, 1991 йилнинг бошида мамлакатимизда атиги 95 нодавлат нотижорат ташкилоти фаолият юритар эди. Бугунги кунда тадбиркорлик ва фермерликни ривожлантиришга ёрдам берадиган тузилмалар, спорт ва ёшлар ташкилотлари, сиёсий партиялар ҳудудий бўлимларининг салмоқли ўрни бор.

нинг бирлаштиришдаги роли кайд этилди.

Мамлакатимизда яратилган мустақам қонунчилик базаси ва кўрилаётган чора-тадбирлар туфайли нодавлат нотижорат ташкилотлари сони йилдан-йилга ортиб, уларнинг фаолияти самардорлиги ва сифати юксалиб бормоқда. 2014 йилнинг 1 январь ҳолатига қўра, адлия идораларида рўйхатдан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари сони 7,8 мингдан ошди. Ҳолбуки, 1991 йилнинг бошида мамлакатимизда атиги 95 нодавлат нотижорат ташкилоти фаолият юритар эди. Бугунги кунда тадбиркорлик ва фермерликни ривожлантиришга ёрдам берадиган тузилмалар, спорт ва ёшлар ташкилотлари, сиёсий партиялар ҳудудий бўлимларининг салмоқли ўрни бор. Ижтимоий ахамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида ажратилаётган грант маблағлари ҳисобидан нодавлат нотижорат ташкилотларини молиялаштириш ҳамим кенгаймоқда. Масалан, агар 2009 йилда уларга 444,6 миллион сўм ажратилган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 2,7 миллиард сўмга етди. Шунингдек, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш ва уларнинг муҳокамасига нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини жалб этиш эътибор бораётгани ҳам таъкидланди. Хусусан, 2013 йилда улар «Экологик назорат тўғрисида», «Ижтимоий шериклик тўғрисида» ва «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳасини синовдан ўтказиш бўйича ҳуқуқий эксперимент сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш борасида муҳим воқеа бўлди. Ҳуқуқий экспериментга ОАВ, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар жалб этилди. Мазкур жараён фуқаролик жамияти салоҳиятидан фойдаланишнинг янги усули самардорлигини янги даражага кўтаришга қатнашди. Аини пайтда

нинг бирлаштиришдаги роли кайд этилди.

Мамлакатимизнинг демократлаштириш ва модернизация қилиш жараёнида фуқаролик жамиятининг ўзига хос институти — маҳаллага алоҳида ўрин ажратилган. Мустақиллик йилларида маҳалла жаҳон ҳамжамияти томонидан фуқароларнинг ижтимоий қўллаб-қувватлайдиган алоқали институт сифатида тан олинган ноёб тузилмага айланди. Бугунги кунда мамлакатимизда маҳалланинг нуфузи тобора ошиб бормоқда. Бу кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларнинг изчилигидан далолат беради.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатлари сезиларли даражада кенгайтирилди. Жумладан, 2013 йилда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» ва «Фуқаролар йиғини раиси (оксколи) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонулар янги таҳрирда қабул қилинди.

Аини пайтда мамлакатимизда 9,7 мингдан ортиқ фуқаролар йиғини фаолият юритмоқда. 2013 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилган навбатдаги сайловда 9756 фуқаролар йиғини раиси (оксколи) ва уларнинг 99,6 мингдан зиёд маслаҳатчиси сайланди. Бугунги кунда фуқаролар йиғинлари илгари маҳаллий ҳокимият органлари ваколатига кирган 30 дан ортиқ вазибаларнинг бажариб, аҳолининг ижтимоий муҳофазаси қилини, фуқароларнинг манфаатларини ҳимоясини таъминлашга оид қўллаб-қувватлаш масалаларини самарали ҳал этмоқда.

нинг бирлаштиришдаги роли кайд этилди.

Мамлакатимизнинг демократлаштириш ва модернизация қилиш жараёнида фуқаролик жамиятининг ўзига хос институти — маҳаллага алоҳида ўрин ажратилган. Мустақиллик йилларида маҳалла жаҳон ҳамжамияти томонидан фуқароларнинг ижтимоий қўллаб-қувватлайдиган алоқали институт сифатида тан олинган ноёб тузилмага айланди. Бугунги кунда мамлакатимизда маҳалланинг нуфузи тобора ошиб бормоқда. Бу кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларнинг изчилигидан далолат беради.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатлари сезиларли даражада кенгайтирилди. Жумладан, 2013 йилда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» ва «Фуқаролар йиғини раиси (оксколи) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонулар янги таҳрирда қабул қилинди.

Аини пайтда мамлакатимизда 9,7 мингдан ортиқ фуқаролар йиғини фаолият юритмоқда. 2013 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилган навбатдаги сайловда 9756 фуқаролар йиғини раиси (оксколи) ва уларнинг 99,6 мингдан зиёд маслаҳатчиси сайланди. Бугунги кунда фуқаролар йиғинлари илгари маҳаллий ҳокимият органлари ваколатига кирган 30 дан ортиқ вазибаларнинг бажариб, аҳолининг ижтимоий муҳофазаси қилини, фуқароларнинг манфаатларини ҳимоясини таъминлашга оид қўллаб-қувватлаш масалаларини самарали ҳал этмоқда.

Конференция иштирокчилари фуқаролик онги ва аҳоли-

Тадбиркорлик

Кичик бизнес учун катта имкониятлар

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Юртбошимиз маърузасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилгани, мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги ҳақидаги принципга қатъий амал қилинаётгани ҳам алоҳида таъкидланди. Маърузада, шунингдек, соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш реал иқтисодий эҳтиёж этишнинг навбатдаги энг муҳим йўналишига айланмоғи зарурлиги қайд этилдики, бу, энг аввало, мутасадди ташкилотлар зиммасига юксак масъулият юклади.

«XXI ASR» газетаси ҳам тадбиркор ва ишбилармонлар манфаатини ифода этаётган партия нашри сифатида юқоридаги талабларни инобатга олиб, тадбиркорликни ривожлантиришга бевосита масъул бўлган идоралар вакиллари билан «Очиқ мулоқот» ўтказишни йўлга қўйди.

Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти тадбиркорлари, ОАВ ходимлари иштирок этган биринчи мулоқотда дастлаб жамғарма мутасаддилари янги тузилманинг олти ойлик фаолиятига тўхталди. Мазкур тузилма томонидан экспорт билан шуғулланиш истагидаги бизнес субъектларига молиявий, ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан қўмак берилаётгани, ўтказилган маркетинг

натижаларига қўра, дунёнинг 177 мамлакатда 48 хил маҳсулот ва 25 та хизмат гуруҳи импортига эҳтиёж мавжудлиги аниқлангани хусусида маълумотлар берилди. Жамғарма мутасаддилари ҳудудлар кесимида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти маҳсулотлари ассортименти ҳамда турларини таҳлил этиб, уларнинг ташқи бозорлардаги рақобатдошлик даражаси

асосида тегишли ахборот базасини яратдилар. Энг муҳими, ана шу жараёнда 1600 дан зиёд тадбиркорлик субъектининг экспорт салоҳиятига эга экани аниқланди. Жамғарма ёрдамида хорижий давлатларда ўтказилган савдо ярмаркалари давомида эса тадбиркорларимиз иштирокида қўллаб-қувватлаш шартномалари имзолангани, шубҳасиз, янги тузилманинг илк қадамлари самарали бўлаётганидан далолатдир. Икки соат давом этган «Очиқ мулоқот» чоғида мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги ишбилармонлар ҳамда фермерлардан 114 та савол тушгани тадбиркорлар ўртасида янги жамғарма ва унинг фаолиятига қизиқиш охири бораётганини кўрсатди.

Қўйида ана шу савол-жавобларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола этилмоқда.



Савол: — 1000 тонналик узум ва мева сифмига эга бўлган омборхонамиз бор. Бу ерда маҳсулотларни сақлаб, уларни маҳаллий бозорларда сотишимиз. Хорижга экспорт қила оламиз, даромадимиз янада кўпайган бўларди. Жамғарма бу борада бизга қандай амалий ёрдам бера олади?

Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти тадбиркорлари: — Утган йилнинг 28 ноябрида ўтказилган «Ўзбекистон-Хитой» форумида ушбу мамлакат тадбиркорлари билан айна юқоридаги масалада ҳамкорлик қилиш бўйича келишиб олдандик. Хитойликлар юртимизда етиштирилаётган ноз-неъматлар, айниқса, олма, нок, узум, беҳи каби меваларимизга қатта қизиқиш билдиришмоқдалар. Ҳатто бориш-келиш, маҳсулотни манзилга етказиш харажатларини ҳам ўз зиммаларига олиб, яқин ҳамкорликка чорламоқдалар. Бугунги имкониятлардан келиб чиқиб, шунга айтишим мумкинки, энди Хитой билан фақат импорт эмас, балки экспорт муносабатларини йўлга қўйиш вақти ҳам етиб келди.

Савол: — Худудимизда боғдорчиликка ихтисослашган 31 та фермер хўжалиги бор. Жамғарма томонидан жойларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилувчи марказланган қабул пунктлари ташкил этиш мумкинми?

Хикмат САЙФУЛЛАЕВ,
Кизилтепа туманидаги Араббой ҚФЙ раиси

Жавоб: — Моҳиятан олиб қараганда — мумкин. Аммо бу жамғарма вазифасига кирмайди. Биз асосан тайёр маҳсулот эгасига хорижий харидор топишда қўмаклашиш ва улар ўртасида манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишда амалий ёрдам бериш билан шуғулланамиз. Яъни, ўзаро шартномалар тузиш, уларда тадбиркор ва фермерларимиз манфаати ҳимояланганини таъминлаш, бу борада ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш асосий мақсадимиздир. Агар фуқаролар йиғинидаги мавжуд фермер хўжаликларига бизга мурожаат этилса, ташкилий жиҳатларини жамғармаимиз ўз зиммасига олади.

Савол: — Фермерлик субъекти экспорт қилмоқчи бўлган маҳсулот шўхўжалигининг ўзида етиштирилган бўлиши шартми?

Мисирали МИРЗАЕВ,
Оққўрғон туманидаги «Дишло» фермер хўжалиги раҳбари

Жавоб: — Шарт эмас. Бошқа хўжаликлардан ҳам сотиб олиш мумкин. Лекин ўз маҳсулотининг саноатли, импозант кўрүк бўлади.

Савол: — Агар маҳсулотлар жамғарма орқали сотилса, харидорни қим топади? Бунда нарх-наво қай тартибда белгиланади?

Абдушукр ҚУРБОНОВ,

«Zum Rin Trade» МЧЖ раҳбари
Жавоб: — Харидорни жамғарма топади. Маҳсулот нархи эса, табиийки, сотувчи ва олувчи томонидан келишилган ҳолда белгиланади.

Савол: — Маҳсулотни белгиланган манзилга ўз вақтида ва сифатли ҳолда етказиб бериш учун қароғал борми?

Шухрат НАСИМОВ,
«Омал-ором» фирмаси директори
Жавоб: — Бор. Энг аввало, экспортга чиқарилаётган маҳсулотни ҳаф-ҳафлардан ишончли ҳимоялаш мақсадида сугурта полиси олиб берилади. Бошқача айтганда, халқаро меъёрлар даражасида хужжатлантирилган маҳсулотлар белгиланган талаблар даражасида ҳимояланади.

Савол: — Етиштирилган маҳсулот экспортни билан шаҳсан ўзим шуғулланмоқчиман. Тўғридан-тўғри қайси ташкилотга мурожаат қилишим керак?

Тавҳар ШАПАКОВА,
Кўнғирот туманидаги «Кайнок бизнес» фермер хўжалиги раиси

Жавоб: — Бизга ёки жамғармаимизнинг Қорақалпоғистон Республикасидаги ваколатхонасига мурожаат қилишингиз мумкин. Мутасаддиларимиз сизга етарлича маълумот бериб, харидор топиш ва маҳсулотининг тегишли манзилга етказишда беғул ёрдам кўрсатадилар.

Савол: — Жамғарма хорижий давлатларда бўлиб ўтгани қўра, эҳтиёж ва ярмаркаларда иштирок этиш учун ҳам қўмаклаша оламиз?

Зайнидин МАРДОНОВ,
Тошкент шаҳридаги «Шайхулислам» МЧЖ раҳбари

Жавоб: — Албатта! Бунинг учун жамғармаимизга олдиндан мурожаат этиб, маҳсулотларингиз тури, ҳамми ҳақидаги маълумотларингизни тақдим этишингиз керак. Қолган ишлар билан мутасаддиларимиз шуғулланишди. Биз сизнинг жамғарма ва хорижий ҳамкорлар ҳисобидан иштирокингизни таъминлашда ёрдам бераримиз.

Савол: — Яқин орада қайси мамлакатларда қўра, эҳтиёж ва ярмаркаларда иштирок этиш учун қўмаклаша оламиз?

Кизилтепа туманидаги «Махфуза» фермер хўжалиги раҳбари
Жавоб: — Халқаро ярмаркалар мунтазам равишда ўтказилмоқда. Шу ойда Туркияда, кейинроқ Хитойда, шунингдек, Озарбайжон, Бельгия, Жанубий Корея, Германия, Россия ва бошқа мамлакатларда қўра, эҳтиёж ва ярмаркаларда иштирок этиш учун қўмаклаша оламиз.

Бундан ташқари, «Бизнес-форум»лар ташкил этилган. Иштирок этувчилар, юқорида таъкидлаганимдек, олдиндан мурожаат этсалар, уларнинг хоҳиш-истакларини ўрганиб чиқиб, тегишли йўлланмалар берамиз. Жамғармаимиз фаолият бошлаганидан бери 200 нафардан зиёд тадбиркорга ўз маҳсулотларини экспорт қилиш учун амалий ёрдам кўрсатди. Уларнинг 60

нафардан зиёди бўлажак ярмаркаларда иштирок этишга тайёр. Мебельсозлик йўналишида фаолият юритаётган 8 нафар тадбиркор эса жамғарма маблағлари ҳисобидан Москва шаҳрида бўлиб ўтган ярмаркада қатнашиб, янги ҳамкорлари билан шартномалар тузиб қайтди. Фармацевтика соҳаси билан шуғулланувчи ҳамкорларимизга ҳам худди шундай шароит яратиб берилди.

Савол: — Маҳсулотлар экспортни билан шуғулланганимиз ушбу жамғармага ўхшап ташкилот ва муассасалар бошқа мамлакатларда ҳам борми?

Абдурауф АЛЛАЕВ,

Оқларё туманидаги «Интермел» оидлий корхонаси раҳбари

Жавоб: — Бор, албатта. Чунки тараккиёт йўлини тутган ҳар қандай давлат ўз маҳсулотлари билан жаҳон бозорига чиқишга ҳаракат қилади. Бу жараён ишлаб чиқарувчиларга қўмаклашувчи махсус ихтисослашган ташкилотлар орқали амалга оширилади. Улар бошқача номланиши мумкин. Аммо мақсад ва йўналишилар деярли бир хил.

Жамғарма мутасаддилари билан бирга Ўзбекистон Ташқи иқтисодий

фаолият Миллий банкининг Лойиҳаларни молиялаштириш маркази директори ўринбосари Баҳодир Жалилов ҳамда Конвертация бошқармаси бошлиғи Азиз Юсупов иштирок этган мулоқот давомида жамғарма фаолияти, унинг мақсад ва вазифаларига оид қўллаб-қувватлаш тадбиркор ва ишбилармонлар ҳамда фермерларнинг жаҳон бозорларига чиқиш имкониятлари тобора кенгайиб бораётганини далолат бермоқда.

Айни пайтда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуғи 55,8 фоизни ташкил этаётганини таъ-

кидлаш жоиз. Зеро, бу 2000 йилги кўрсаткичдан салкам икки баробарга кўндр. Расмий маълумотларда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 23, кўрсатилаётган хизматларининг деярли барчаси ана шу қатлам вакиллари ҳиссасига тўғри келатгани қайд этилмоқда. Шу ўринда маҳсулот экспортининг 18 фоизини айна хусусий тадбиркорлик субъектлари амалга ошираётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

«Очиқ мулоқот» тафсилотларини «XXI ASR» муҳбири Темур АБДУРАХМОНОВ ёзиб олди.

«O'ZLIDER» ФРАКЦИЯСИДА

Биринчи ўқишда муҳокама этилди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Озод РАЖАБОВ,
«XXI asr»

сўраш ва олиш, тадбирларга доир ёзувлар билан танишиш ва улардан нусха кўчириш, олинган ёзувлардан оммавий ахборот воситаларига материаллар тайёрлашда фойдаланиш мумкин бўлади.

Конун лойиҳасини ишлаб чиқишда АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Жанубий Корея, Япония, Канада, Финляндия сингари 20 дан ортик давлатнинг ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш соҳасига тааллуқли конунлари киёсий таҳлил қилиниб, 30 дан зиёд халқаро-ҳуқуқий хужжат ўрганилди.

Фракция йиғилишида, шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексида қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги конун лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди. Унда партия Сайловлид платформасида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда мулоҳазалар билдирилди. Денутатларнинг фикрича, мазкур конун лойиҳаси хўжалик судларида иш юритилиши янада такомиллаштириш, суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқни янада кенгрок таъминлаш, тадбиркорлик субъектларининг вақти ва маблағларини тежап, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан судлар фаолиятида самарали фойдаланиш мақсадини кўзлайди.

Маълумки, ҳозирги вақтда хўжалик-процессуал конун хужжатлари видеоконференция усулида суд мажлисини ўтказишни назарда тутмайди. Хўжалик процессуал кодекси (ХПК)нинг амалдаги нормала-

рига қўра, ишлар суд биносиде кўрилади. Бундай тартиб иш кўрилатган суддан бошқа ҳудудда жойлашган тарафлар учун, иш кассация инстанцияси судида кўрилатганда эса иккала тараф учун ҳам анча вақт ва маблағ талаб этади.

Мисол учун, 2013 йилнинг 10 октябры ҳолатига Нукус-Тошкент-Нукус йўналишида авиабилет нархи 442 000 сўм, пойтахтдаги мехмонхоналарда бир кунлик тўлов ўртача 50 000 сўм. Демак, Қорақалпоғистонда жойлашган тараф вакилининг суд мажлисида иштирок этиши билан боғлиқ харажатлар ўртача 500 минг сўмни ташкил этмоқда. Агар низо бўйича бир тараф Фарғона вилоятида, иккинчиси Оролбўйида жойлашган бўлса, бундай харажатлар 1,5 миллион сўмга яқинлашиб қолади. Бундан ташқари, овқатланиш ҳамда хизмат сафарига бўлган ходимнинг иш ҳақини инобатга олсақ, харажатлар миқдори янада кўпаяди.

Статистик маълумотларга қараганда, 2011-2013 йиллар мобайнида хўжалик судлари томонидан биринчи инстанцияда 432 864 та иш даъво тартибиде кўриб чиқилган. Улардан 207 638 таси маъмурий, 19 172 таси хўжалик субъектларини низоидир. Бундай низолар бўйича кўриб чиқилган 206 054 та ишдан 20 750 тасида бир тараф ишни кўраётган хўжалик судидан бошқа ҳудудда жойлашган. 6 210 та ҳолатда эса ишни кўриш бошқа муҳлатда қолдирилган.



Шунинг учун ҳам янги конун лойиҳаси орқали ХПКнинг 8, 90, 131 ва 134-моддаларига қўшимчалар киритиш ва янги 126-модда билан тўлдирини назарда тутилмоқда. Хусусан, шахсларнинг видеоконференция усулидаги суд мажлисида иштирок этиш ҳуқуқи белгиланиб, унинг айрим процессуал жиҳатлари мустаҳкамланган. Таъкидлаш керакки, тақлиф этилаётган қўшимчалар ишда иштирок этувчи шахслар ва хўжалик судлар ишларини юритишнинг бошқа иштирокчиларининг суд муҳокамасида бевосита қатнашиш ҳуқуқини чекламайди.

ХПКнинг 131-моддаси эса суд муҳокамасини кейинга қолдириш асосларини белги-

лайти. Видеоконференция усулида суд мажлисини ўтказиш тартиби жорий этилиши муносабати билан ушбу моддани процессни ташкиллаштирадиган ҳамда ишни кўраётган хўжалик судлари ўртасида видео алоқани ўрнатип имкониятини мавжуд эмаслиги ва техник носозликлар билан боғлиқ бўлган асос билан тўлдирини тақлиф этилаётди.

Йиғилишда «Экологик назорат тўғрисида» конун қабул қилинган муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим конун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги конун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилиб, барча масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарорлари қабул қилинди.



Хайрли ташаббус

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Наргиза КАҲХОРОВА,
«XXI asr»

— Шу маънода маънан топтириш фарзандларини камол топтириш зиммамизга катта масъулият юклайди. Қолаверса, даврнинг ўзи хотин-қизлар, бўлажак оналар, уй бекаларининг соғлиғини янада яхшилашга кўмаклашиш баъбариди уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, тadbirkorлик ва ишбилармонлик кўникмаларини шакллантиришни ҳам тақозо этмоқда. Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда эса оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлиги алоҳида аҳамият касб этишини унутмасдан, «Аёллар канотини» ушбу жараёндаги иштирокини кенгайтириш учун барча чораларни кўришимиз лозим.

Вилоят онкология диспансери шифокори М.Собировнинг таъкидлашича, партия ташаббуси билан амалга оширилаётган «Соғлом оила — мустаҳкам оила» лойиҳаси доирасида туман ва шаҳар поликлиникаларида бепул тиббий кўриклар мунтазам равишда ташкил этилмоқда. Шифокорлар назоратида ўтказилган 500 нафардан ортиқ хотин-қизнинг 97 нафариди мастопатия касаллиги ва унинг белгилари, 15 нафариди миома хасталиги борлиги аниқланган. Шу

ўринда беморларга вилоят касалхоналарида довланиш учун йўлланмалар берилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

— Кўрак қафасида вақтинчалик билан оғир пайдо бўлиши сабабини билмасдим, — дейди кўрикдан ўтган Қурбанои Кўзиёва. — Тиббий кўрик давомида мастопатия касаллиги бошлангани аниқланди. Ҳозир вилоят яқин тиббиёт ходими иштирокида туриб, шифокор кўрсатмаларига асосан даво муолажаларини оляяман.

Чиндан ҳам, 250 нафар беморга тиббий хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлган поликлиниканинг 52 нафар олий тоифали шифокори, 100 нафарга яқин тиббиёт ходими иштирокида ўтган кўрик оп-сингилларимиз саломатлигини янада яхшилашга хизмат қилди. Бинобарин, «Аёллар каноти» ва унинг жойлардаги бўлимлари «Соғлом оила — мустаҳкам оила» лойиҳасида ўртага қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, жойларда сиёсий фаоллигини ҳам оширмоқдалар. Зеро, «Аёллар каноти», туман Соғлиқни сақлаш бошқармаси, Хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда партиянинг «Соғлом оила — мустаҳкам оила» лойиҳаси доирасидаги навбатдаги давра суҳбати ҳам айнан ушбу шифо масканиди ташкил этилгани бежиз эмас.

◀ СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ!

Депутатликка кимлар сайланиши мумкин?

«Маълумки, бу йил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Қонунчилик палатаси, шунингдек, маҳаллий кенгашларга сайловлар бўлиб ўтади. Кимларнинг номзоди Олий Мажлис Сенати аъзоллиги, Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий кенгашлар депутатлигига қўйилиши мумкин? Имкон бўлса, шу ҳақда кенгроқ маълумот берсангиз.

Р.Жиянов, Тошкент шаҳри».

— Энг аввало, Қонунчилик палатасига сайланиш ҳуқуқига сайлов кунини йитирма беш ёшга тўлган ҳамда намида беш йил мамлакатимиз ҳудудида мўкин яшаётган фуқаролар эга эканлигини таъкидлаш жоиз. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар депутатликка сайланиши мумкин эмас. Бундан ташқари, содир этган оғир ёки ўта оғир жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёхуд судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар, сайлов кунига қадам сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мўкин яшамаган фуқаролар номзоди ҳам кўрсатилмайд.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати эса ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, Сенат аъзоларидан (сенаторлардан) таркиб топади. Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда — олти кишидан сайланади. Сенатга сайлов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли кўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади.

Сенатнинг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг оғурули фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан тайинланади.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашларига эса сайловлар ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўп партиялик асосида беш йил муддатга ўтказилади. Маҳаллий кенгашлар депутатлари умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланадилар.

Халқ депутатлари вилоят кенгашлари депутатлигига номзодларни кўрсатиш ҳуқуқи сиёсий партияларга берилган бўлса, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлигига номзодлар сиёсий партиялар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан кўрсатилиши мумкин.

Исмагилия Яманкулов тайёрлади.

БИР ҲОВУЧ ДУР

«Эҳтиёжманд одамга зарур нарсани ўз вақтида беришга одатланганлар саҳий инсонлар тоифасига киради».

Арасту.

150 нафар битирувчининг бизнес-режаси молиялаштирилди

ФАРҒОНАЛИК ЁШЛАР O`zLiDeP ЛОЙИХАЛАРИДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИБ, ТАДБИРКОРЛИК МАЙДОНИГА ЯНГИ ҒОЯ ВА ТАКЛИФЛАР БИЛАН КИРИБ КЕЛЯПТИЛАР

Шухрат РАҲИМОВ,
«XXI asr»

Маълумки, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, улар учун касбий, ижодий ва мансаб шилпоаяларидан ўсишга имконият яратиб O`zLiDePнинг Сайловли платформасидан ўрин олган устувор вазифалардан дид. Зеро, ёшлар салоҳиятини ривожлантириш — бу келажак сармоя киритиш дегани.

Айни пайтда Фарғона вилоятида O`zLiDePнинг 11665 нафар аъзоси бўлса, уларнинг 46 фоизини 34 ёшга бўлган ташкил этипти. Энг муҳими, ана шундай ташаббускор ёшлар партия лойиҳалари аҳамиятини тенгдошлари ўртасида кенг тарғиб қилишдан ташқари ўз ҳаётини тadbirkorлик фаолияти билан боғлашни истаган тенгдошларига мамлакатимизда ишбилармонлар учун қулай шароитлар яратилганини ҳам ҳаётини мисоллар орқали тушунтирмоқдалар. Буни 2013 йили «Диплом билан — бизнести» лойиҳаси доирасидаги ўқув-семинарларда икки мингдан ортиқ талаба катнашганидан ҳам билиш мумкин. Бугунга келиб мазкур лойиҳанинг 150 нафар ғойиб томонидан

тақдим этилган бизнес-режалар учун тижорат банкларида 586 млн. сўм миқдориди маблағ ажратилди.

— Ўз қобилиятига таянаётган ёшларнинг 78 фоизи асарчилик, боғдорчилик, бақчилик, иссиқхона, кўчатчилик йўналишларида оилавий бизнесни йўлга қўйдилар, — дейди O`zLiDeP Фарғона вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Юсуфжон Юсупов. — Бундан ташқари, Фарғона 2-иктисодиёт коллежини тамомлаган Шохсанам Сотволдиева, Олтириқ иктисодиёт коллежи битирувчиси Нодира Юсупова тикувчилик цехини очиб, 14 нафар тенгдошини иш билан таъминлашди. Данғара иктисодиёт коллежида таълим олган Дилфэрўз Қаюмова кандолатчилик, Фурқат маиший хизмат ва педагогика коллежи битирувчиси Азимбек Собиров эса мебель йиғиш ва таъмирлаш устaxonаларини ташкил этишди.

«Ёшлар каноти»нинг ўтган йили ютуқлари хусусида сўз кетганида, «Ишбилармон талаба» стипендияси учун ўтказилган аънавий кўрик-таълим тўғрисида 1,5 баробарга ошишини тўғрисида 456 нафар ёшлар иштирок этганини ҳам таъкидлаш жоиз. Уларнинг 48 нафари вилоят босқичига йўлана-



ма олди. Танловнинг республика босқичида эса Риштон sanoat касб-хунар коллежи талабаси Ёдгорхон Рахимова, Фарғона имкониятлари чекланган шахсларга ихтисослаштирилган республика касб-хунар коллежи талабаси Ўғилбой Жўраева ҳамда Марилан банк коллежи талабаси Аҳаджон Умрзоқов муваффақиятга қатнашиб, «Ишбилармон талаба» стипендиясига айландилар.

Ўтган йили Фарғонада «Миллий парламентаризм ривожланиши — ёшлар нигоҳида», «Демократик жамият куришда ёшларнинг ўрни», «Интеллектуал салоҳияти ёшлар — демократик жамият пойдевори», «Парламентаризм ва ёшлар», «Ёшлар — мустакил Ўзбекистон келажиги» каби мавзуларда 26 та тadbirkorлик билан ташкил этилди. Уларда истиқболли кадрлар захирасига олинган

500 га яқин ёшлар, 875 нафар партия аъзоси, шунингдек, партия аъзоси бўлмаган мингдан ортиқ йилгит-қиз иштирок этди.

Бу — ёшлар йўналишидаги партиявий лойиҳаларнинг бир вилоятдаги натижалари, холос. Мазкур кўрсаткичларнинг барча ҳудудлар ва йўналишларга кўпайтирсак, ёшларга оид лойиҳаларнинг қанчаллик катта кўламга эга эканини илғаш мумкин бўлади.

▶ ТАДБИРКОРЛИК

Ташқи савдо учун кўприк

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Зиёдулла МҮМИНОВ,
«XXI asr»

2013 йили вилоятимизда кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик субъектлари сони 20 фоизга кўпайди, — дейди палатанинг Тошкент вилоят бошқармаси бошқаруви Файзулла Маманов. — Ўтган йили 2 минг 379 та янги тadbirkorлик субъекти ташкил этилиб, уларнинг яқин ҳудудий маҳсулотдаги улуши 55 фоиздан ошди.

Ишбилармонларимиз бозор талаблари асосида рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқариш баробарида замонавий технологияларни ҳам илҳом қилишмоқдалар. Мутахассисларимиз эса уларнинг бозор тамойилларини янада чуқурроқ ўрганишлари, тажриба алмашиш, жаҳоннинг илғор техника ва технологиялари билан ўз корхоналарига жалб

этишларига амалий ёрдам беришмоқдалар. Хусусан, 2013 йили 50 дан ортиқ тadbirkorга хоризжда малака ошириш, кооперация биржа ва ярмаркаларда иштирок этишларига кўмаклашди. Олти нафар тadbirkor Германияда тажриба алмашган бўлса, Хитойдаги турли савдо-саноат кўргазмаларида 15 киши иштирок этди. Туркия саноатчилик томонидан Истанбул шаҳрида «Ташқи савдо учун кўприк» мавзусида ташкил этилган анжуманда эса уч нафар тadbirkorимиз катнашди.

— Маълумотларга кўра, вилоят экспорт салоҳида ҳам тadbirkorларнинг улуши ўтган йилларга нисбатан ортган. Айтиш-чи, булар кўпроқ қайси турдаги маҳсулотлар хиссасига тўғри келади?

— Ҳақиқатан ҳам, ўтган йили тadbirkorларимиз томонидан 522 миллион долларлик 85 турдаги кишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари экспорт қилинди. Масалан, Охангарондаги «Voollen teks», Чирчиқдаги «Rademus Servis», Зангиота туманидаги «Telekom technology» каби 100 га яқин тadbirkorлик

субъектининг хар бири 1 миллион долларгача бўлган миқдорда маҳсулот экспорт қилди. Таҳлиллар жорий йилда бу кўрсаткичнинг 1,5 баробарга ошишини кўрсатмоқда. Айниқса, пойтахтимизда мини-технологиялар ва ихчам асбоб-ускуналар, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлаш технологиялари халқаро кўргазмаларининг ташкил этилаётгани ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифат жиҳатдан яхшиланишига хизмат қилишти. Чунончи, «Uzbekistan Agrominotech Expo 2013» VIII халқаро ихтисослаштирилган кўргазмасида дунёнинг 20 дан ортиқ компанияси мевасабзавот, тўшгит ва сутини қайта ишлаш, иссиқхона ташкил этиш, маҳсулотларни қадоклаш ва сақлаш, чорвачилик, паррандачилик, боғдорчилик ускуналари, ўсимликларни қимёвий химоялаш воситалари 171 та кишлоқ хўжалиги техникалари намойиш этишди. Ана шу кўргазма Тошкент вилоятининг 350 дан ортиқ фермер ва тadbirkorни қатнашиб, умумий қиймати 8,2 млрд. сўмликдан ортиқ 83 та

шартнома имзолади.

Шу ўринда туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан хар ҳафтада «Тadbirkorлар кунини» ўтказилаётгани ишбилармон юртдошларимиз фаолиятига тўсик бўлаётган қатор муаммоларни бартараф этиш, охирикитабда эса улар ишини янада ривожлантиришга хизмат қилаётганини айтиш лозим. Масалан, 2013 йили ўтказилган «Тadbirkorлар кунини»да 1370 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шунинг қарийб 90 фоизи мутаасадди ташкилотлар томонидан ижобий ҳал қилинди. Чунки, олдимизга қўйилган асосий вазифалардан бири ҳам тadbirkorлар манфаатини химоя қилишдир. Ўтган йили тadbirkorларимиз манфаати юзасидан хўжалик судларига 171 та даъво аризаси киритилди ва уларнинг аксарияти қисқа муддатларда ҳал қилинди. Зеро, элга мадақдор тadbirkorлар сони қанча ортса, уларнинг фаолияти қанчаллик кенгайса, жойларда ижтимоий-иктисодий масалалар пунчаллик осонлик билан ҳал этилади.

▶ «АЁЛЛАР ҚАНОТИ»

Қақшадарё. Миришкор туманида «Аёллар каноти» ташаббуси билан «Ижтимоий хавфли, зарарли иллатларга қарши курашишда мактаб ва маҳалла ҳамкорлиги» мавзусида навбатдаги тadbirkor уюштирилди. Унда гиёҳхандлик, алкоғолизм, чекишга қарши курашиш, ушбу иллатларнинг келиб чиқиш сабаблари муҳофиза этилиб, хотин-қизларнинг тиббий саводхонлигини ошириш каби масалалар муҳофизага бағишланган навбатдаги давра суҳбати Қоровулбозор туманида бўлиб ўтди.

Бухоро. «Аёллар каноти»нинг ёш авлодини жисмонан ва маънан соғлом этиб волга етказиш, оналик ва болаликни муҳофиза қилиш, хотин-қизларнинг тиббий саводхонлигини ошириш каби маънавий дунёқарашларини кенгайтириш, замонавий ёл тафаккурини шакллантириш, оилада соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш мавзуларида маърузалар тингланди. Давра суҳбатида сўзга чиққан шифокорлар хотин-қизлар ўртасида тиббий саводхонлиқни оширишга қаратилган профилактик чора-тadbirkorлар ҳамда мамлакатимизда соғлом авлодини тарбиялаш мақсадида яратилган шарт-шароитлар ва улардан самарали фойдаланиш хусусида ҳам сўз юритдилар.

Самарқанд. «Аёллар каноти»нинг Каттақўрғон шаҳридаги «Ҳайдарнаман» маҳалласида ташкил этган тadbirkor «Аёллар тadbirkorлиги — жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлашнинг энг муҳим омилларидан бири» мавзусига бағишланди. Давра суҳбати иштирокчиларига тижорат банклардан кредитлар олиш, тadbirkorликни амалга ошириш, инвестицияларни жалб этиш учун яратилган имтиёз ва имкониятлар хусусида батафсил маълумотлар берилиб, хотин-қизлар ва ёшларни бизнесга жалб этишда нодавлат ва нотижорат ташкилотлар кўмағидан фойдаланиш юзасидан тавсиялар берилди.

Сайфулла ИКРОМОВ.



БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

07 (535)-сон, 2014 йил 20 февраль, пайшанба

Таянч тузилмалар юқори эътиборни талаб этмоқда

О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси қарори асосида бошланғич партиё ташкилотларида ўтказилган дастлабки ҳисобот-сайлов йиғилишларида ана шундай ҳулоса чиқарилди

Барчамизга тааллуқли фикр-мулоҳазалар



Олмазор туманида иш олиб бораётган бир гуруҳ БПТлар ташаббуси билан туман тиббиёт бирлашмасида Президентимизнинг 2013 йил якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган долзарб вазифалар муҳокама этилди. Асосан тиббиёт ходимлари қатнашган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракцияси аъзолари З.Убайдуллаев, О.Ашуров, Н.Алимов, О'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши раиси Т.Назаров сўзга чиқиб, маърузада билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида О'zLiDeP фаолларининг қонунчилик фаолияти, амалдаги қонунлар, ҳудудий дастурлар ижросини таъминлаш борасидаги ишлари хусусида иштирокчиларга афроғлича маълумот берди. Савол-жавоб тарзида ўтган мулоқотда депутат З.Убайдуллаев тиббиёт ходимларининг саломатлик сугуртаси мавзусидаги саволларига батафсил жавоб қайтарди.

Ўз муҳиримиз.

Бехзод ИСРОИЛОВ,
«XXI asr»

— Ушбу муҳим тадбир таянч нуқталаримизнинг 2013 йилдаги фаолиятини афроғлича таҳлил этиш имконини беради, — дейди Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси масъул ходими Бахтиёр Аҳмедов. — Шунинг учун ҳам масъулларимиз жойларга чиқиб, бошланғич ташкилотлар етакчилари ва фаолларига зарур кўмак ва маслаҳатлар беришяпти. Партиявий-ташқилий ишлар бўлими томонидан ҳам ҳисобот-сайловлар юзасидан мониторинг олиб борилмоқда.

Маълумки, ушбу муҳим тадбирда бошланғич ташкилот фаолиятини баҳолаш, раис ва ўринбосар сайлаш энг асосий вазифа ҳисобланади. Етакчининг фаолияти сарҳисоб қилиниб, қоникарли деб топилган тақдирдагина қайта сайланади. Зеро ташаббускор, ислохотларнинг янги босқичида партиё олдида турган долзарб масалаларни ҳал этишга қодир бўлган кадрларгина сафдошларимиз ишончини оқлай оладилар. Шу маънода ўз афроғига қарийб 180 минг аъзони бирлаштирган 7828 та қуйи бўғинга фаол ва ишбилармон етакчилар раҳбарлик қилиши истикболдаги вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишига хизмат қилади.

Яна бир муҳим жиҳат: БПТларда янгитдан кенгашлар тузиш, партиё сафига аъзолар қабул қилиш масалалари ҳам партиё юқори ташкилотларининг алоҳида назоратидадир.

Таъкидлаш жоизки, 15 февралдан буюн республика бўйича 102 та БПТда ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтказилиб, уларда жами 1800 нафардан зиёд партиё аъзоси иштирок этди. Тадбирларда 68 нафар БПТ раиси қайта сайланди, 34 та қуйи бўғин фаолияти эса қоникарсиз деб баҳоланди.

Самарқанд шаҳридаги «Самарқандтранс-маркази» корхонасида 2009 йили бошланғич ташкилот тузилган эди. Дастлаб 30 нафар аъзони бирлаштирган БПТда ҳозирги кунда



«БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ ПАРТИЯНИНГ АСОСИЙ БЎҒИНИ, ПОЙДЕВОРИДИР. АҲОЛИНИНГ ТУРЛИ ҚАТЛАМЛАРИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН БЕВОСИТА АЛОҚАДА ИШ ЮРИТИШ ВА УЛАРГА ТАЪСИР КЎРСАТИШ ИМКОНИГА ЭГА УШБУ ТУЗИЛМА ТАШАББУСКОР ВА ИШЧАН, ПАРТИЯНИНГ ТАКТИК ВАЗИФАЛАРИГА МУВОФИҚ ИШ ШАКЛИ ВА УСЛУБЛАРИНИ ТЕЗ ЎЗГАРТИРИШ ҚОБИЛИЯТИГА ЭГА БЎЛИШИ КЕРАК».

О'zLiDeP Уставидан.

партиё аъзолари сони 300 нафарга етди. Унинг 45 фоизи ёшлардир.

Маъзур БПТда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида ташкилотнинг 2013 йилдаги фаолияти муҳокама қилиниб, эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар, мавжуд муаммолар афроғлича таҳлил этилиб, ташкилот етакчиси Бахтиёр Шодмонқуловга яна ишонч билдирилди.

— Ҳисобот даврида халқ депутатлари Самарқанд шаҳар кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик

ни кескин жонлангирди. Натижада аҳоли билан яқинлашиб, сафимиз илғор фикрли, билимдон, ташкилотчи йигит-қизлар ҳисобига кенгайди.

Йиғилишда бошланғич ташкилотнинг жорий йилга мўлжалланган тадбирлар режаси ҳам тақдирланди. Унинг ижросини таъминлашга оид дастлабки қарор қабул қилинди.

Шунинг мамнуният билан қайд этиш зарурки, ҳисобот-сайловлар О'zLiDePнинг макссад ва вазифаларини изчил тарғиб этиш, сафимизга янги аъзоларни жалб қилиш майдонига ҳам айланаётир: бир неча кун мобайнида жами 287 киши О'zLiDeP сафига қабул қилиниб, қуйи ташкилотлар сони 18 тага ошгани ҳам шундан далолат беради.

Тадбирлар давомида билдирилган таклиф ва мулоҳазалар ўрганилиб, мониторинг қилиб борилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ҳисобот-сайлов йиғилишлари маҳаллий оммавий ишлаб чиқиш, фаоллар сафини кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Жойларда Президентимиз маърузалари, фармон ва қарорлари, қабул қилинган янги қонунларнинг мазмун-моҳиятини ўрганишга бағишланган давра суҳбатлари ташкил этилаётгани ташкилотимиз фаолияти-

Мақсад — сиёсий тафаккурни бойитиш

О'zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши ташаббуси билан вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида Юртбошимизнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014



йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасини ўрганишга бағишланган ўқув-семинарлар ўтказилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракцияси аъзолари, маҳаллий кенгаш депутатлари, сиёсатшунос олимлар, таниқли тадбиркор ва фермерлар ҳамда бошланғич партиё ташкилотлари раислари иштирок этаётган йиғилишларда амалдаги қонунлар, ҳудудий дастурлар ижросини назорат қилишда партиё фаоллари олдида турган долзарб масалалар, партиявий лойиҳалар тарғиботини кучайтириш орқали ёшлар ва аёлларни тадбиркорликка жалб этиш, қишлоқларимизда етакчи кучга айланган фермерлар олдида турган муаммоларни ҳал қилишда ташаббускорлик кўрсатиш масалалари афроғлича муҳокама қилинмоқда.

— Айни кунларда 600 га яқин БПТ етакчиси, вилоят, туман ва шаҳар кенгашларининг 250 дан зиёд депутатлари сиёсий ўқувларда иштирок этиб, партиё тузилмалари фаолиятини янада такомиллаштириш, мамлакатимизда туб ислохотларни амалга ошириш жараёнида партиё электорати олдида турган муаммоларни бағишланган ҳал этиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмоқдалар. — дейди партиё вилоят кенгаши ҳузуридаги СТМ раҳбари Д.Дарвешова.

Исмоил РАЖАМАТОВ,
Тошкент вилоят кенгаши Мафкура ва тарғибот ишлари бўлими мудир.

Қишлоқ мулкдорларининг О'zLiDePга ишончи ортапти

— Жиззах туманидаги БПТлар сони 70 тага етди. — дея хабар қилди О'zLiDeP вилоят кенгаши масъул ходими А.Шаҳаров. — Айни пайтда маъзур тузилмалар 1477 нафар партиё аъзоси фаолиятини мувофиқлаштириб турибди. Яқинда тумандаги «Пилла» АЖ, «Зомин асали» МЧЖ ҳамда «Чақмоқ», «Исоқ бобо» ҳамда «Бек» фермер хўжалиқларида ҳам янги БПТлар ташкил этилди. Тажрибадан маълумки, ҳар қандай сиёсий кучнинг таянч нуқтаси бўлган БПТлар фаолияти электорат вакиллари билан бевосита ҳамкорликдан иборатдир. Янги қуйи ташкилотлар етакчилари ва фаоллари ҳам ана шу талабдан келиб чиққан ҳолда Жиззах туманидаги тадбиркор ва фермерларни қўллаб-қувватлаш, улар олдида турган ҳаётий муаммоларни бартараф этиш масалаларини ўз иш режаларига киритдилар.

Концепцияни изчил тарғиб этамиз



Наманган вилояти Косонсой туманидаги «Чашмаи сафед» фермер хўжалигида иш олиб бораётган бошланғич партиё ташкилоти аъзолари Юртбошимиз томонидан тақдим этилган

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» мазмун-моҳиятини аҳоли орасида кенг тарғиб этмоқдалар.

Қуйи бўғиннинг 125 нафар аъзоси иштирок этган давра суҳбатиде, шунингдек, мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар жараёнида фаол қатнашиш, муҳим ҳужжатда белгилаб берилган йўналишлар моҳиятини жойларда изчил тарғиб этишда маҳаллий кенгаш депутатлари, аёллар ва ёшлар қаноти вакиллари фаол бўлиши кераклигини таъкидладилар. — Партиё аъзолари барча масалаларда фаол бўлсалар, оммавий-сиёсий тадбирлар мунтазам ўтказиб турилса, ўша ерда тарафдорларимиз, сафимизга қўшилиувчилар кўпаяди. Буларнинг барчаси охири-оқибат сайловчилар, электорат ўртасида партиямиз мавқеини оширишга хизмат қилади. — дейди қуйи бўғин етакчиси Ҳ.Мўйдинхўжаев.

БНР ҲОВУЧ ДУР

«Бахт қадрига етмаган киши вақт ўтгани сайин бахтсизликка яқинлашаверади».

Ибн Сино.

Муаммоларга мурасисиз бўлайлик

Шофиркон туманидаги «Дилрабо чеварлари» МЧЖдаги О'zLiDeP аъзолари ташаббуси билан «Худудда тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришдаги муаммолар: айрим бюрократик тўсиқ ва камчиликларни бартараф этиш йўллари ҳамда чоралари» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Туман Фермерлар кенгаши, тижорат банкларининг масъул ходимлари, худуддаги БПТ раислари иштирок этган тадбирда шофирконлик тадбиркорлар яратиб берилган имконият ҳамда имтиёزلардан унумли фойдаланиб, туман худудиде қўллаб-қувватлаш, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ишини йўлга қўётганлари таъкидланди. Бироқ айрим қишлоқларда тадбиркорликни изчил ривожлантиришга етарлича эътибор берилмаётир. Бунга, хусусан, маҳаллий кенгаш депутатлари, партиё аъзоларининг эътиборсизлиги ҳам сабаб бўлмоқда.


— Юқоридегиларни инобатга олиб, депутатлик гуруҳлари ҳамда қуйи бўғинлар фаолиятини кучайтиришимиз керак, — деди тадбирда О'zLiDeP вилоят кенгаши масъул ходими М.Рашидова. — Ваҳоланки, ушбу масалада айнан шу қишлоқларда истиқомат қилаётган сафдошларимиз ташаббус билан чиқишлари лозим. Тадбир якунида билдирилган таклиф ва тавсиялар асосида махсус дастур ишлаб чиқиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Ёшлар фаол

Бўка туманидаги 1000 нафардан зиёд О'zLiDeP аъзосининг аксариятини тадбиркор ва фермерлар ташкил этади.

— Кейинги пайтда кўпроқ ёшлар партиё сафига бўлиш истагини билдирмоқдалар, — дейди О'zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши бош консултанти Диёра Болтаева. — Хусусан, январь ойидагина 100 нафардан зиёд ёш тадбиркор ва фермерлар шаҳар ва туман кенгашларига мурожаат қилиб, партиё аъзолигини қабул қилдилар. Бошланғич ташкилотларга ҳам асосан навқирон авлод вакиллари етакчилик қилишмоқда. Шу тариқа чекка қишлоқларимизда ҳам О'zLiDeP аъзосиман, дея турли муаммоларни масалаларни ҳал этишда жонбозлик кўрсатаётган ёшлар фаоллиги кучаймоқда.

Зиёдулла МЎМИНОВ.



БПТлар учун XXI ASR ижтимоий-сиёсий газетасига
пайтўзали ОБУНА давом этмоқда.
Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80

Банк тизими

Сармоялар тараққиётга хизмат қиляпти

Бугунги кунда миллий иқтисодиётимиз тараққиётини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик фаолиятидан айри тасаввур қилиб бўлмайди. Зеро кенг қўламли ислохотлар жараёнида айнан ушбу соҳалар келажакнинг мустақкам асоси, бандлик масаласини ҳал этишнинг ягона тўғри йўли, қишлоқларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ишончли таянчи сифатида ўзини тўла намоён этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ўрта синф вакиллари фаолиятининг барқарор ривожланишида банк-молия муассасаларининг ҳиссаси катта бўлаётди. Молия институтлари тадбиркорлар манфаати ҳисобга олиниб, уларга намунали хизмат кўрсатиш учун замонавий, самарали усуллар кенг жорий қилиняпти. Бундай сый-харажатлар натижаси нафақат маҳаллий экспертлар, ҳатто хорижлик мутахассислар томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Александр ДАНИЛОВ, «Fitch Ratings» рейтинг агентлиги бош директори:

— Ўзбекистоннинг молиявий сиёсати билан танишиш жараёнида барча соҳада макроиқтисодий барқарорлик мустақкамлаб, инвестициялар ва аҳоли жамғармалари ҳажмининг йил сайин ошириб бораётганига ишонч ҳосил қилдим. Бу, шубҳасиз, банк тизимининг давлат томонидан доимий равишда қўллаб-қувватланаётгани ва Марказий банкнинг барқарор фаолияти натижасидир. Умуман, юртингизда «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» шioriда катъий амал қилиниб, тадбиркор ва ишбилармонлар учун қулай бизнес муҳити яратилганига ташкил толиқ. Биз хорижлик ҳамкорлар ва мутахассислар буни жуда яхши қадрлаймиз.

Ўзбекистон ўзи танлаган тараққиёт йўлидан бориб, қисқа фурсат орасида миллий банк тизимини жаҳон андозалари даражасида ривожлантира олди. Қолаверса, бошқа давлатларнинг тижорат банклари фаолияти билан таққослаганда сезиларли устувор жиҳатларни сезиш қийин эмас. Ўйлайманки, мамлакатнинг тадбиркор томонидан кўрсатилаётган катта эътибор, қабул қилинаётган фармон ва қарорлар банк тизимини босқичма-босқич изчил ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Собир УСМОНОВ, Тошкент шаҳридаги «MISTER SUNRISE» МЧЖ раҳбари:

— Корхонамиз 2010 йилда ташкил этилган бўлиб, асосан чакана ва улгуржи савдо билан шуғулланади. Бунинг ҳам ўзига яраша машаққатлари бор, албатта. Ўтган йили замонавий тегиримон куриши ва аҳолига хизмат кўрсатиш мақсадида «Трастбанк»нинг «Дархон» филиалидан 2 млрд. сўм кредит олдик. Бошқача айтганда, банкнинг молиявий кўмаги билан бир кеча-кундузда 140 тонна сифатли ун ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган замонавий тегиримон фойдаланишга топширилди ва шу ҳисобдан 18 та янги иш ўрни яратилди. Айни пайтда юртимиз далаларида етиштирилган буғдойдан сифатли ун маҳсулоти тайёрлаб, савдо пештахталарига етказиб беряпмиз.

Камол АБДУЛЛАЕВ, Самарканд вилоятидаги «Sam antep gilam» МЧЖ раҳбари:

— Бозор шароитида фақат сифатли маҳсулотга рақобатта бардош бера олади. Рақобатбардош гиламлар тайёрлашимизда, шубҳасиз, «Асака» давлат акциядорлик-тижорат банкнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Фаолиятимизни кенгайтириш, олдимизга қўйган режаларни амалга ошириш, замонавий усуналар харид қилиш учун анчагина сармоя керак эди. Шу мақсадда «Асака» банкнинг Самарканд вилояти филиалига мурожаат этдик. Бизнес-режага асосан лизинг битими тузилди. Ўзаро молиявий ҳамкорлик туфайли мақсадларимиз бирин-кетин рўёбга чиқаяпти. Ҳозирги кунда жаҳон стандартлари даражасидаги бежирим гиламлар ишлаб чиқариб, ўзбекистонлик ва хорижлик буюртмачиларга етказиб беряпмиз. Энг муҳими, банк кредити ҳисобига 25 та янги иш ўрни

яратилди. Уларга асосан касб-хунар коллежлари битирувчиларини жалб этдик.

Келгусида банк билан ҳамкорликни ривожлантириб, тараққиётга хизмат қилувчи янги янги лойиҳаларни амалга ошириш ниятидамыз.

Ибодулло НОРҚЎЗИЕВ, «Хунарманд» уюшмаси Ховос туман бўлими раҳбари:

— Кейинги йилларда аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, жойларда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш учун қўллаб-қувватлаш амалга оширилмоқда. Айниқса, қўли гул хунармандларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани таъсирчан бўлди.

Матълумки, ховосликлар анъанавий қўлчилик, гиламчилик, қуроқчилик билан бир қаторда хунармандчиликнинг бошқа турлари билан ҳам шуғулланишади. Ҳозирги кунда улардан 226 нафар уюшмамиз аъзосидир. Шунингдек, туманда оилавий тадбиркорлик ҳам изчил ривожланмоқда. Уюшма ҳамкорлигида қишлоқларда маҳаллий аҳоли, айниқса, ёшлар учун янги иш жойлари ташкил этиляпти. Бу борада, шубҳасиз, «Микрокредитбанк»нинг амалий ёрдами катта бўлаётди. Ховосда банк мижозлари сафи кенгайиб бораётганига ишонч билан бўлди.

Равшан САНГИНОВ, Тошкент вилояти, Олмалик шаҳридаги «Ulug' Xushrav» МЧЖ раҳбари:

— Корхонамиз асосан сопол ва чинни идишлар, хусусан шёлла, коса, лаган ва бошқа қўлчилик буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. 2011 йилда «Ипотека-банк» кредити эвазига ишлаб чиқариш цехига эга бўлдик. Қисқа давр мобайнида сезиларли натижаларга эришилди. Ўтган йили банкдан яна 200 млн. сўм кредит олиб, маҳсулот турини кўпайтирдик. Ҳозир жамоамизда 42 нафар ишчи-ходим хизмат қилмоқда. Улар асосан аёллардан иборат. Албатта, бугунги кунда рақобат шароитида ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш осон эмас. Банкнинг моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаши туфайли қўзлаган мақсадларимиз тўла рўёбга чиқаётганидан мамнунмыз.

Утемурат ДЖАМИЛОВ, Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли туманидаги «Аббозбек-Шпрингтой» хусусий корхонаси раҳбари:

— Бундан уч йил аввал «Ипотека банк» дан 40 млн. сўм кредит олиб, макарон ишлаб чиқаришни йўлга қўйган эдик. Ишчи тўғри ташкил этиш натижасида фаолиятимиз доираси тобора кенгайиб бормоқда. Ўтган йили мурожаатимиз ҳам эътиборсиз қолдирилмади. Яъни, банк томонидан 200 млн. сўм миқдорда кредит ажратилди. Мақсад—бозор талабларини келиб чиқиб корхонани замонавий технологиялар асосида қайта жиҳозлаш эди. Энг муҳими, янги лойиҳа ҳисобидан қўшимча 5 та иш ўрни ташкил этилди. Келгусида «Ипотека банк»нинг молиявий кўмаги билан юқори сифатли рақобатбардош озик-овқат ва кондитер маҳсулотлари тайёрлашни йўлга қўйиш ниятидамыз. Қолаверса, аҳоли талаб-эҳтиёжлари шунини таъқозо этмоқда.

Машкура РАЗЗОКОВА, Тадбиркор, Тошкент шаҳри:

— Тадбиркорлик фаолияти биз, хотин-қизлар учун ҳам беғона эмас. Ҳамма гап ишга масъулият ва талабчилик билан ёндашишда. «Invest Finance Bank»дан кредит олиб, чинни буюм ва спирланган идишлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Эндиликда орзуларимиз бирин-кетин амал

га ошмоқда. Эътироф этиш жоизки, мазкур тижорат банкда мижозларга замон талаблари даражасида хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Хушмуомала, билимдон мутахассислар бирон-бир мурожаатни эътиборсиз қолдиришмайди. Яқинда ўғлим ҳам банкнинг доимий мижозларидан бирига айланиб, банкнинг молиявий мадади туфайли сопол идишлар ва стол лампаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйдим. Унинг галлати мақсади маҳсулот турини янада кўпайтириш, пойтахт аҳолиси манфаатлари йўлида сиқидилдан хизмат қилишдир. Бу эса ҳам она, ҳам тадбиркор сифатида менга чексиз ғурур бағишлайди.

Илҳом УСМОНОВ, Тошкент вилоятидаги «Qibray mo`jiza parranda» хусусий корхонаси директори:

— Тадбиркорни молиявий қўллаб-қувватлаш уни янги муваффақиятлар сари руҳлантириш демекдир. Зеро, бугун юртимиздаги ҳар бир банк ўз фаолиятини кенгайтириб, биз каби кичик бизнес вакиллари учун мустақкам таянч бўлмоқда. Бунга парандачилик маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган корхонамиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Мурожаатимиз асосида «Invest Finance Bank»нинг Тошкент вилояти филиали томонидан зарур миқдорда кредит ажратилди. Натижада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг икки хисса оширишга муваффақ бўлдик. Ҳуллас, ишончли ҳамкорлик ҳар икки томон учун бирдек иқтисодий манфаат келтирмоқда.

Дониёр СУЯРКУЛОВ, Тошкент вилоятидаги «Shifo Said Den» хусусий корхонаси директори:

— Саломатлик — туман бойлик, дейди халқимиз. Чиндан ҳам, инсон учун ўз соғлиғидан аълороқ бойлик йўқ. Клиникамиз асосан стоматология йўналишида фаолият кўрсатади. Даволаш хоналари энг сўнгги русумдаги тиббий асбоб-усуналар билан жиҳозланган. Бунга осонликча эришилгани йўқ, албатта. Мамлакатимиз молия бозорига ўз ўрнига эга бўлган «Invest Finance Bank»нинг 12,1 миллион сўмлик кредити ҳисобига мушкуллимиз осон бўлди. Шу боис фаолиятимиз доираси кенгайиб бормоқда. Аҳоли сихат-саломатлиги йўлида сиқидилдан хизмат қилиш эса биз, шифокорларнинг биринчи галлати бурчимиздир.



Жонимқул ХЎЖАМКУЛОВ, Чирочки туманидаги «Шарбат» хусусий корхонаси раҳбари:

— Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида яратилган шарт-шароитлар ҳақида ҳар канча гапириш мумкин. Айниқса, банклар томонидан яратиб берилаётган кенг имкониятлар соҳани ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Ўзоққа бормайлик. «Халк банк»дан 35 миллион сўм кредит олиб, шу мақсадда Германиядаги «Big Dutchman international GmbH» ишлаб чиқаришга ҳамда минерал сувни қалоклашга ихтисослашган корхона ташкил этдик. Ҳозирги кунда савдо шохобчларимиз 7 турдаги маҳсулот етказиб бериляпти. Корхонада 15 та янги иш ўрни яратилди. Буларнинг барчасига банкнинг беғинанат ёрдами туфайли эришидик, албатта.

Давлат АМИНОВ, Хоразм вилоятидаги «Хонқа-паррандачилик» МЧЖ раҳбари:

— Бугун тадбиркор учун барча йўللари очилди. Хайрилик ниятда иш бошлаган ҳар бир киши юқори натижаларга эришаётганига гувоҳимиз. Яқинда Европанинг бир қатор давлатларида бўлиб, замонавий фирмалар фаолияти билан

танишидик. Сафар давомида технологиялар сотиб олиш бўйича ўзаро келишувга эришилди. Бу ҳам бўлса мустақилликнинг яна бир шароитидир. Айни пайтда корхонамизда 50 нафарга яқин киши меҳнат қилипти. Аҳил жамоамизнинг бирдан-бир мақсади яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, халқимиз дастурхонига сифатли ва арзон маҳсулотлар етказиб беришдир. Шу мақсадда Германиядаги «Big Dutchman international GmbH» ишлаб чиқаришга ҳамда минерал сувни қалоклашга ихтисослашган корхона ташкил этдик. Ҳозирги кунда савдо шохобчларимиз 7 турдаги маҳсулот етказиб бериляпти. Корхонада 15 та янги иш ўрни яратилди. Буларнинг барчасига банкнинг беғинанат ёрдами туфайли эришидик, албатта.

Вохид АТАМУРОДОВ, Қорақалпоғистон Республикаси, Қораўзақ туманидаги «Сахро универсал сервис» МЧЖ раҳбари:

— Матълумки, тадбиркорлик соҳасида маблағни тўғри, оқилона йўналтириш жуда муҳимдир. Шунинг назарда тутиб, «Халк банк»нинг Қораўзақ филиали томонидан ажратилган 60 миллион сўмлик кредит сармоясини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирдик. Натижа чакки эмас. Энг муҳими, тивувчилик йўналиши бўйича касб-хунар коллежини битирган 15 нафар кизни иш билан таъминлашга эришидик. Айни пайтда турли динга эришган буюртмалар қабул қилиниб, истеъмолчиларга етказиб берилаётди.

Дилшод РАҲМАТОВ, Жиззах вилояти, Бахмал туманидаги «Малика гольд плат» хусусий корхонаси раҳбари:

— Банк тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар бугун реал натижалар бермоқда. Бунинг аҳоли фаровонлиги, дастурхонларимиз тўқинлиги йўлида хизмат қилаётган тадбиркорлар ва ишбилармонлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўзимиздан қиёс. «Халк банк»нинг молиявий кўмагида трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи кичик корхонани оёққа турғаздик. Молия муассасидан олинган 48 миллион сўм кредит ҳисобига хориждан замонавий тиккиш-бичиш усуналари харид қилинган айни муддао бўлди. 28 нафар ёш йигит-қиз ишга қабул қилинди. Буларнинг барчаси учун зарур молиявий кўмагини аймаган банк фаолиятини миннатдоримиз.

Жоникул ҚОБИЛОВ, Сирдарё вилоятидаги «Севинч қўҳнур фойз» МЧЖ раҳбари:

— Йўловчилар узоғини яқин, мушкулчини осон қилиш савоб амаллардан бири саналади. Шунинг йўлида, «Халк банк»га ўз бизнес-режамизни тақдим этдик. Қўп ўтмай, бизга 242 миллион сўм миқдорда кредит ажратилди. Шу ҳисобдан 10 та автотранспорт воситаси харид қилдик. Транспорт катнови кам бўлган чекка ҳудудларда йўловчиларга имкон қадар хизмат кўрсатаймиз. Муҳими, амалга оширилаётган ишчиларимизнинг кўпчилиги йўлида хизмат қилаётган тадбиркорлар ва ишбилармонлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўзимиздан қиёс. «Халк банк»нинг молиявий кўмагида трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи кичик корхонани оёққа турғаздик. Молия муассасидан олинган 48 миллион сўм кредит ҳисобига хориждан замонавий тиккиш-бичиш усуналари харид қилинган айни муддао бўлди. 28 нафар ёш йигит-қиз ишга қабул қилинди. Буларнинг барчаси учун зарур молиявий кўмагини аймаган банк фаолиятини миннатдоримиз.

Жоникул ҚОБИЛОВ, Сирдарё вилоятидаги «Севинч қўҳнур фойз» МЧЖ раҳбари:

— Йўловчилар узоғини яқин, мушкулчини осон қилиш савоб амаллардан бири саналади. Шунинг йўлида, «Халк банк»га ўз бизнес-режамизни тақдим этдик. Қўп ўтмай, бизга 242 миллион сўм миқдорда кредит ажратилди. Шу ҳисобдан 10 та автотранспорт воситаси харид қилдик. Транспорт катнови кам бўлган чекка ҳудудларда йўловчиларга имкон қадар хизмат кўрсатаймиз. Муҳими, амалга оширилаётган ишчиларимизнинг кўпчилиги йўлида хизмат қилаётган тадбиркорлар ва ишбилармонлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўзимиздан қиёс. «Халк банк»нинг молиявий кўмагида трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи кичик корхонани оёққа турғаздик. Молия муассасидан олинган 48 миллион сўм кредит ҳисобига хориждан замонавий тиккиш-бичиш усуналари харид қилинган айни муддао бўлди. 28 нафар ёш йигит-қиз ишга қабул қилинди. Буларнинг барчаси учун зарур молиявий кўмагини аймаган банк фаолиятини миннатдоримиз.

«Халк банк»нинг молиявий кўмагида трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи кичик корхонани оёққа турғаздик. Молия муассасидан олинган 48 миллион сўм кредит ҳисобига хориждан замонавий тиккиш-бичиш усуналари харид қилинган айни муддао бўлди. 28 нафар ёш йигит-қиз ишга қабул қилинди. Буларнинг барчаси учун зарур молиявий кўмагини аймаган банк фаолиятини миннатдоримиз.

Жоникул ҚОБИЛОВ, Сирдарё вилоятидаги «Севинч қўҳнур фойз» МЧЖ раҳбари:

— Йўловчилар узоғини яқин, мушкулчини осон қилиш савоб амаллардан бири саналади. Шунинг йўлида, «Халк банк»га ўз бизнес-режамизни тақдим этдик. Қўп ўтмай, бизга 242 миллион сўм миқдорда кредит ажратилди. Шу ҳисобдан 10 та автотранспорт воситаси харид қилдик. Транспорт катнови кам бўлган чекка ҳудудларда йўловчиларга имкон қадар хизмат кўрсатаймиз. Муҳими, амалга оширилаётган ишчиларимизнинг кўпчилиги йўлида хизмат қилаётган тадбиркорлар ва ишбилармонлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўзимиздан қиёс. «Халк банк»нинг молиявий кўмагида трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи кичик корхонани оёққа турғаздик. Молия муассасидан олинган 48 миллион сўм кредит ҳисобига хориждан замонавий тиккиш-бичиш усуналари харид қилинган айни муддао бўлди. 28 нафар ёш йигит-қиз ишга қабул қилинди. Буларнинг барчаси учун зарур молиявий кўмагини аймаган банк фаолиятини миннатдоримиз.

Н.ТОШЕВ тайёрлади.

ТАДБИРКОРЛАР, ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАМДА ФЕРМЕРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«XXI ASR» ИЖТМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ ТАҲРИРИЯТИ

Президентимизнинг «2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади» номи маърузасида белгилаб берилган устувор йўналишлар, долзарб вазифалар, айниқса, хусусий сектор вакиллари қўллаб-қувватлаш борасидаги масалалар ижросини таъминлаш ҳамда жамоатчилик назоратини йўлга қўйишда фаол иштирок этиш мақсадида Сизларни қизиқтираётган саволлар юзасидан мутасадди идоралар вакиллари иштирокида ҳар ойда икки марта тўғридан-тўғри мулоқот уюштиришни режалаштирдик.

ҚАДРЛИ ФЕРМЕРЛАР, ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОН ЮРТДОШЛАР!

Очиқ мулоқотда фаол қатнашиб, қўйида номлари келтирилган ташкилот, муассаса мутасаддиларига ўзингизни қизиқтирган саволлар ва фаолиятингизга ҳалақат бераётган муаммолар юзасидан мурожаат қилишингиз мумкин. Бугунги кунда тадбиркорликка, қишлоқ мулкдорлари фаолиятига қаратилган юксак эътиборга қарамай, айрим ҳудудларимизда соҳани янада жадал ривожлантиришга тўсик бўлаётган масалаларнинг ижобий ҳал этилиши, шубҳасиз, юртимиз раванки ва аҳоли фаровонлигига хизмат қилади. Ўйлаймизки, тўғридан-тўғри мулоқотда кўтарилган мавзулар тадбиркор ва ишбилармон юртдошларимиз, қишлоқларда етакчи кучга айланган фермерларни ҳам бефарқ қолдирмайди.

Умид қиламизки, мулоқотга тақлиф этилган мутасадди идоралар вакиллари таҳририят татаббусини қўллаб-қувватлаб, тадбиркор юртдошларимизни қизиқтираётган саволлар, улар фаолиятига оид ҳаётий масалаларни ҳал этиш учун вақт топадилар.

Саволлар қуйидаги телефонлар (+998 71) 281-40-17, 215-63-80. (+998 95) 194-83-95, 194-83-96. орқали қабул қилинмоқда:

Электрон почта: XXI_ASR@mail.ru

МАРҲАМАТ, ЁЗИНГ, ҚЎНФИРОҚ ҚИЛИНГ! МУРОЖААТЛАРИНГИЗНИ КУТАМИЗ.

ОЧИҚ МУЛОҚОТГА:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари **Улғбек Мустафоев**, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси **Алишер Шайхов**, «Агробанк» ОАТБ бошқаруви раиси **Абдифахоб Тамикаев**, «Микрокредитбанк» ОАТБ бошқаруви раиси **Жамшед Сайфиддинов** сингари мутасадди раҳбарлар тақлиф этилади.

Иккинчи мулоқот 2014 йилнинг 28 февралда «XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририятида (Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 73-А уйда) соат 16.00 да ўтказилади. Тадбиркор ва ишбилармонларимизнинг саволларига Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Улғбек Мустафоев жавоб қайтаради.

Таҳдид сояси

Таҳлилчилар дунё миқёсида интернетдан фойдаланувчилар сони 3 миллиардга яқинлашгани, бу жамаи аҳолининг 39 фоизини ташкил этишини қайд қилмоқдалар

Ақбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI asr»

Ушбу тизимдан фойдаланувчиларнинг тенг ярми Осиё минтақаси давлатлари ҳиссасига тўғри келаётди. Биргина Хитой веб-аудиторияси 600 миллион мижоздан иборат.

Ҳақиқатан ҳам XXI асрга келиб бутун-бутун юрт ва минтақалар ўртасида ўзига хос кўприкка айланган интернет тизими дунёни ягона ахборот маконига айлантирди. Бир неча сония ичида минг-минглаб ахборот тарқатиш, олиш ва таҳлил этиш имконини берувчи интернет, шубҳасиз, тезкор ва қулайлиги билан ҳам ҳаётимизга дадил ки-

бўлишнинг ўзи етарли эътиборини, уларнинг табиати, илди-зи, манбалари ва ўзаро алоқаларини чуқур аниқлаб етгандагина ёт ғояларга қарши туриш мумкинлигини таъкидлаётдилар.

Мана бу мисолга эътибор беринг: бундан тўрт йил аввал АҚШнинг «Жанубий парк» (South Park) мультфильми Россия хукук-тартибот идоралари ходимлари томонидан экстремистик мазмундаги асар деб топилди. Холбуки, мультфильм Россиянинг «2x2» телеканали орқали аллақачон оммага намойиш этилган эди. Мутахассислар «мультфильм мазмуни аксарият томошабинларга салбий таъсир этиши мумкин, чунки у ҳам христианларнинг, ҳам мусулмонларнинг шаъни ва ғуру-



Нуфузли халқаро ташкилот — БМТ доирасида интернет, шу жумладан, ундаги ижтимоий тармоқларни ҳуқуқий тартибга соладиган махсус халқаро норматив ҳужжат ишлаб чиқиши ва қабул қилиниши мақсадга мувофиқлиги таъкидланмоқда.

риб келди. Аммо ҳар яхшининг бир ёмони ҳам бор, деганларидек муайян миллат ва элатларнинг урф-одатлари, анъана ва қадриятларини поймол этиб, бузғунчи ғоялар ва таҳдидларни ҳам тарқатаётган интернет тизими айни пайтда ёшлар онгига захарлаш, уларни ўз домига тортишининг қулай воситасига ҳам айланган, бу дунё ҳамжамиятини бежиз ташвишга солмаётган. Минг афсуски, бу жараёнда ким душман, ким дўст эканини дарров аниқлашнинг имкони йўқ. Аммо у мавжуд эканини ҳар сонияда сезиб турсан. Дунёнинг уйғок кишилари томонидан маънавий таҳдид жарчилари, деб аталаётган бундай кимсалар ҳақиқатан ҳам ёшлар онгини захарлаш, уларга ёт ғояларни тарқатиш билан шугулланмоқдалар.

рини топшайди, диндорлар ҳиссиётини ҳақоратлайди, айни пайтда шафқатсизлик ва зўравонликни тарғиб этади», деган хулосага келдилар.

Дарҳақиқат, интернет тизими орқали «Оммавий маданият» никоби остида зўравонлик, фахш, ахлоқсизлик ғоялари изчил тарғиб этилиши айни пайтда турли миллат ва элатларнинг неча минг йиллик қадриятлари, маънавий бойликларини кадрсизлантиришга ҳам хизмат қилаётганини унутмаслик керак.

Шу ўринда «Оммавий маданият» деб аталаётган оқимнинг асосий «ютуғи», одамларни ўзига оҳанрабодек жалб бўлган кучи шундаки, у асл мақсадни доим яширишида эканини қайд этиш керак. Бошқача айтганда, иккиюзламачилик унинг асл кифасидир. У гўёки ўзининг ўйлаган ишни бажаришинингизга имкон яратаётгандек туюлсада, аслида сизни ўз манфаати йўлидаги воситага айлантириб қўяди. Унинг асосини «Аввал мен, кейин бошқалар» ғарбона эгоцентризм ғояси ташкил этади. Шу ўринда бугунги фантехника, ахборот-коммуникация технологияларининг бекиёс тараққий этиши ахборот алмашинув жараёнларини тезлаштириб юборганини ҳам таъкидлаш жоиз. Маълумотларга қараганда, ўтган йили дунё миқёсида компьютер, телефон ва шунга ўхшаш технологияларнинг олди-сотдиси 1 триллион доллардан ошган. Бу миқдор йилдан-йилга ортиб борапти.

Глобаллашув жараёнларида интернет тизими ҳам шу даражада ривожланиши билан бутун дунёга турли хилдаги ахборотларни тарқатиш мумкин бўлиб қолди. Аммо ҳаётимизга кириб келаётган ҳар бир ижобий нарсаси ўз ортидан салбий оқибатларни етаклаб келиши мумкинлигига ҳам амин бўлишимиз.

Бир сўз билан айтганда, олам ва одам юксак тараққийёт жараёнида жуда ўткир, таъбир жоиз бўлса, глобал муаммоларга ҳам дуч келмоқда. Глобал экологик муаммолар, терроризмнинг глобал характери, наркотраффик ва уюшган жиноятчилик XXI асрнинг салбий кирраларига айланган. Айни шундай мураккаб бир вазиятда «ахборот хуружи» оқибатларини ён-атрофимизда содир бўлаётган воқеалар ҳам кўрсатмоқда. Ҳатто интернетда турли маълумот ва иғволар билан бир миллатни иккинчи бир халққа гижгажлаётган виртуал гуруҳлар ҳам пайдо бўла бошлади. Бун-

дан ҳам ёмони — интернетдаги аксарият сайтлар одамлар ўлимига ҳам сабаб бўлаётди. Россиянинг «Мир новостей» газетасида эълон қилинган бир мисолга «Фейсбук»нинг 2013 йилдаги соф даромади 1,5 миллиард АҚШ долларидан ошган. Умумий таҳлиллар шундан далолат бермоқдаки, интернетдаги ижтимоий тармоқлардан фойдаланишга муккасидан кетган минглаб кишилар ўзларининг реал ҳаётдаги оилавий ва ижтимоий муносабатлари, ўқиш ва иш жараёнидаги мажбуриятларига масъулиятсиз ёндаша бошлаганлар. Масалан, Gallup тадқиқот агентлиги маълумотларига кўра, АҚШ ва Канадада ҳар учинчи оиланинг ажралишига айнан ижтимоий тармоқлар сабаб бўлмоқда. Афсуски, ўсиш тенденциясини намойён этаётган ушбу ҳолатни Европада ҳам кузатиш мумкин.

Бугун дунёда ана шу муаммони давлатлар ўзларича ечишга уринаётган ҳолатлар кўп учрамоқда. Бирок давлатларнинг яқка тартибда ижтимоий тармоқларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган уринишлари қўйилган натижаларни бермаётган. Интернетнинг глобал хусусиятини эътиборга олиб, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ундаги ижтимоий тармоқларни ҳуқуқий тартибга солишда халқор хамкорлик хал қилувчи аҳамият касб этади.

Шу нуқтаи назардан ҳам таҳлилчилар нуфузли халқаро ташкилот — БМТ доирасида интернет, шу жумладан, ундаги ижтимоий тармоқларни, ҳуқуқий тартибга соладиган махсус халқаро норматив ҳужжат ишлаб чиқиши ва қабул қилиниши мақсадга мувофиқлигини таъкидламоқдалар.

VOQEALAR, SHARHLAR, DALILLAR

«Терминатор, Рэмбо, Бэтмен»га қарши уруш эълон қилинди

Мексиканинг Сонора штатида ғайриоддий қонун қабул қилинди. Унга кўра, эндиликда фуқароликни расмийлаштириш чоғида штатда туғилган чақалоқларга таҳқирловчи ёки қулғули исмлар қўйиш қатъиян ман этилади.



Ҳужжатда 61 та исм қайд этилган бўлиб, улар орасида Терминатор, Рэмбо, Бэтмен, Жеймс Бонд, Гарри Поттер каби тўқиб чиқарилган қаҳрамонлар номи ҳам бор. Маҳаллий маъмуриятнинг қайд этишича, ушбу ҳужжатни қабул қилишдан мақсад «нобоп исмлар»дан азият чекаётган болаларни турли ҳақорат ва қулғули ҳолатлардан сақлаш, бунга қарши изчил курашишдан иборатдир.

Наҳотки муҳаррир аёл киши?




Саудия Арабистонида инглиз тилида чоп этиладиган «Saudi Gazette» кундалик газетасига илк бор аёл киши — Сумайя Жабарти бош муҳаррирлик лавозимига тайинланди.

2011 йили «Saudi Gazette»га келишдан аввал Сумайя хоним рақобатчи нашр — «Arab News»да фаолият олиб борган. Унинг фикрича, айни пайтга келиб таҳририят муҳбирларининг аксариятини аёл журналистлар ташкил этади.

Арилар увולי

Польшада икки миллион асалари ҳаётига зомин бўлган Яна исмли аёлга тўрт ойлик шартли қамоқ жазоси тайинланди. Маълум бўлишича, айбланувчи 2010 йилда Горлице шаҳрида чивинларга қарши дори пуркаш ишларига раҳбарлик қилиб, мамлакат соғлиқни сақлаш вазирлигининг зурурий сертификатига эга бўлмаган пестицид моддасини қўллаган. Натижада шаҳар ва унинг атрофида парваришланаётган асаларилар нобуд бўлган.



Шундан сўнг фермерлар томонидан судга жуда кўп шикоятлар келиб тушган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, кучли пестициднинг қўллаш нафақат ҳашаротлар, балки инсонлар ҳаётига ҳам катта ҳавф солиши мумкин эди. Эслатиб ўтамиз, 2010 йили қўшни Беч шаҳридаги кучли сув тошқини туфайли, теварак-атроф чивинга тўлиб кетган эди.

Французлар хитойликларни кўндирдилар



Хитойнинг автомобиль ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Dongfeng» компанияси Франциянинг «Peugeot» автоконцернига 1,1 миллиард АҚШ доллар миқдорда инвестиция киритишга тайёр эканини маълум қилди. Унга кўра, «Peugeot» ва «Citroen» компаниялари зарур сармоёга эга бўлиши эвазига «Dongfeng Motor Co.» Франциянинг нуфузли бренди ва унинг илгор технологияларидан фойдаланиш имкониятини қўлга киритади.

компаниялари зарур сармоёга эга бўлиши эвазига «Dongfeng Motor Co.» Франциянинг нуфузли бренди ва унинг илгор технологияларидан фойдаланиш имкониятини қўлга киритади.

632 минг долларлик виски

Гонгконгда бўлиб ўтган «Sotheby's» аукционида «Imperial M Decanter» номи виски бошоқли галладан тайёрланган ичимлик учун рекорд даражадаги нарх — 632 минг АҚШ долларига сотилди. Таъкидлаш жоиз: бундан аввал 460 минг долларлик рекорд 2010 йили Нью-Йоркда ўтказилган ким ошди савдоарида қайд этилганди.

Хабарларга кўра, 1824 йилдан буён қимматбаҳо ичимликни хуш кўрувчилар дидига мос вискилар тайёрлашга ихтисослашган «Macallan» компанияси рекордчи «шаробдан бор-йўғи тўрт донча чиқарган. Мутахассисларнинг эътирофи этишича, компания ичимликларни булоқ сувларидан фойдаланган ҳолда тайёрлаб, ўткир винолар сақланадиган махсус бочкаларда тиндиргани учун ўз маҳсулотларига юқори нарх қўяди. Эътиборлиси, ўз номини ошкор қилмаган харидор аукциондан тушган маблағни Гонгконг хайрия ташкилотларига ўтказишини сўраган.

OzLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси партиянинг Қўва туман кенгаши раиси Авазбек Тешабоевга отаси Сафаржон ТЕШАБОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.



ASR

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

2014 йил учун ОБУНА

ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80,
E-mail: axborot21asr@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz

Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat'iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz loqayd kishilardan yaxshidir.



ВАТАН ҲИМОЯСИ – МУҚАДДАС БУРЧ



Халқим деб яшайди ўзбек ўғлони

Зулфия СОЛИЕВА

Босан қадамидан чакнар шижоат,
Садоқат нурига чўмган хар они.
Ўткир нигоҳида алгач матонат,
Халқим деб яшайди ўзбек ўғлони.

Сўзида муҳаббат, кўзида гурур,
Ватан туғроғига кўймас ёмони.
Юрак ишқ деб урар, қалбида сурур,
Юртим деб яшайди ўзбек ўғлони.

Бир кафтида номус, бир кафтда иймон,
Замин томирида оқди қони.
Ору номусига тикиб жонини,
Элим деб яшайди ўзбек ўғлони.

Кўкси қалқон замин сарҳадларига,
Жонидек асрагай дўсту омонини,
Улар юрт эртасин Фарҳодларидир,
Ватан деб яшайди ўзбек ўғлони.

Йигитлар муносиб кутиб олинмоқда

Андижон вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йигин пунктида мuddатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитларни кутиб олишга бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги, мудофаа ишлари бошқармаси, вилоят хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими вакиллари ва ота-оналар иштирок этган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз Куроли Нурлари тизимида амалга оширилаётган кенг куламли ислохотлар жараёнида ҳарбий хизматчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. — Ҳарбий хизматга қақирилаётган ва хизматни ўтаб қайтган йигитларни тантанали кузатиш ва кутиб олиш тадбирлари юқори савияда ташкил этилмоқда, — дейди вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бўлим бошлиғи, майор Бекзод Тўйчиев. — Бундай тадбирларни мазмуни, эсда қоларли тарзда ўтказиш учун вилоят мудофаа ишлари бошқармаси йигин пунктида барча кулайликлар яратилган. Бундан ота-оналар ҳам гоят мамнун. Мuddатли ҳарбий хизматни муваффақиятли ўтаб қайтганлар орасида Андижон туманидаги Гулшан маҳалласида яшовчи Алишер Низомидинов ҳам бор. Қашқадарё вилоятидаги ҳарбий қисмлардан бирида хизмат қилган Алишер сафдошларига ҳар жиҳатдан ўрнатилган. Армияда ҳар томонлама тобланган бу йигит келажакда ҳарбий бўлишга аҳд қилган. — Болаликдаги орзуларим ушалаётганидан хурсандман, — дейди Алишер. — Отам захирадаги офицер. Шу боис мен ҳам у киши сингари ҳарбий либосда юришни орзу қилар эдим. Намунали хизматим учун кўмондонликнинг тавсияномасига сазовор бўлдим. Энди пойтахтимиздаги ҳарбий билим юртига ўқишга кириш учун астойдил тайёргарлик кўраман.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ, Ўза муҳбири.

ЭЪЛОН

ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«Асака» банк (ОАЖ)

2014 йилнинг «Соғлом бола йили» деб эълон қилиниши муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги мuddатли янги омонат турини тақлиф этади:

«СОҒЛОМ АВЛОД»

Ушбу омонатнинг сақланиш мuddати 24 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар чоракда ёки омонат мuddати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан бирга, «Асака» банкда 80 дан ортиқ омонат турлари жорий этилган бўлиб, бу ҳақдаги маълумотларни банк филиалларидан ёки банкнинг www.asakabank.com расмий веб-сайтидан олиш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

ФИЛИАЛЛАР	КОД	ТЕЛЕФОН	ФИЛИАЛЛАР	КОД	ТЕЛЕФОН
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	573-18-78
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Сергели филиали	371	258-67-49	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96	Афросиёб филиали	366	221-77-56
Асака филиали	374	233-13-69	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Фарҳод филиали	374	226-97-53	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-12-37	Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Олтиариқ филиали	373	432-10-11	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Кўқон филиали	373	552-61-04	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

«Асака» банк — сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

Хизматлар лицензияланган.



Дўмбоққина «Cobalt»имизнинг муваффақиятли дебюти

«GM UZBEKISTAN» ЁПИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ҚЎШМА КОРХОНАСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН ИККИ ТУРДАГИ АВТОМОБИЛЬ 2013 ЙИЛ ЯҚУНЛАРИГА КўРА РОССИЯ АВТОБОЗОРИДА МУВАФФАҚИЯТЛИ ДЕБЮТ ҚИЛГАН АВТОУЛОВЛАР РўЙХАТИГА КИРИТИЛДИ

WROOM.ru напнинг биринчи поғонасининг хабар беришича, ўтган йили Россияда 18,5 минг нафар харидорини топган «Chevrolet Cobalt» ушбу рейтингнинг биринчи поғонасини банд этган бўлса, «Lacetti»нинг «Daewoo Gentra» номи остида экспорт қилинаётган янги-ланган модели ВАЗнинг «Альмера»сидан (15,7 минг) кейинги учинчи ўринни эгаллади. Эътиборлиси, гарчи «Gentra», яъни «Lacetti-2» хоржий давлатларга ноябрь ойидан сотила бошланган бўлса-да, ана шу давр ичида Россияда 8,4 минг-талиқ кўрсаткич қайд этилган.

Ш.Хўжаев тайёрлади.

БУ — ҚИЗИҚ

Бир кило асалга битта автомобиль

Дунёдаги энг қimmat нарҳдаги асал Туркиянинг шимоли-шарқидagi Саричайир водийсидa жойлашган, чуқурлиги 1800 метрни ташкил этадиган гордан олинади. Маҳаллий асаларичиларнинг таъкидлашича, ушбу ноёб маҳсулотнинг ноодатий усулда олиниши унинг юқори баҳоланишига сабаб бўлмоқда. Минералларга бой бўлган гор эса асал сифатини янада оширган. Аҳамиятлиси, аллергиякўзгатмаслиги сабабли бу асалдан ҳам даво, ҳам егулик сифатида фойдаланиш мумкин. 2009 йилда Гандуз исми асаларичи томонидан топилган маъжур гор тубидан профессионал альпинистлар ёрдамида биринчи марта олиб чиқилган 18 килограмм асал Франция лабораторияларида текширувдан ўтказилганидан сўнг унинг 1 килограмми мамлакат биржасида 45 минг еврога сотилган. Энг қизиги шундаки, бир килоси беш минг еврога баҳоланаётган асалнинг пулига, кичикроқ бўлса-да, автомобиль сотиб олса бўлади. Сизчи, қайси бирини танлаган бўлардингиз — бир банка асал ёки автомобильними? **Д.ХАБИБОВА тайёрлади.**

Қишда иш жойингизни яхшироқ ёритинг

Маълумки, қиш пайтлари куннинг давомийлиги тунга нисбатан анча қисқа бўлади. Шу сабабли кўпчиликининг иш вақти ҳали куёш чиқмасдан бошланиб, уйга қайтиши эса кун ботиб, атрофга қоронғилик чуққан маҳалга тўғри келади. Британиялик тиббиёт ходимларининг маълум қилишича, бу ҳолат куёш нуридан етарлича баҳраманд бўлмаган кишиларда лоқайдлик ва тушқунликнинг авж олиши, шунингдек, қаттиқ ҳаяжон ҳамда руҳий касалликларнинг келиб чиқишига олиб келиши мумкин. Олимлар томонидан икки минг киши ўртасида ўтказилган тадқиқот натижалари шунини кўрсатадики, ҳар 10 кишининг 3 нафари қишда кун чиққунга қадар уйғониб, уйга кун ботганда қайтади. Эътиборлиси, уларнинг қарийб ярми декабрь-февраль ойларида иш жойининг етарлича ёритилмаслиги меҳнат самарадорлигига салбий таъсир кўрсатишидан шикоят қилган. Тадқиқотчилар бундай ноҳуш ҳолатларнинг олдини олиш учун эрталабдан кечгача бир хонада меҳнат қиладиган ишчи-хизматчиларга «рутубатли фасл»да иш жойларини кўшимча чироқлар билан ёритишни тавсия этмоқдалар. **М.АЗИЗОВА тайёрлади.**



Гидрометеорология марказининг хабарига кўра, мамлакатимизда 20-27 февраль кунлари об-ҳавонинг ўзгариб туриши, айрим жойларга туман тушиши кутуляпти. Тоғларда қор кўчиши хавфи бор. Ғарбий шамолнинг йўналиши ўзгариб, шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳарорат кечаси 3-8 даража совуқ бўлади, ҳафта охирига бориб кундузи 3 даража совуқдан 2 даража илиққача кўтарилади. Навоий, Бухоро, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида кечаси -3+2, кундузи +8-13 даража илиқ бўлади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳарорат кечаси -2+3 атрофида, кундузи 10-15 даража илиқ бўлиши кутулади. Тошкент вилояти ва пойтахтимизда кечаси -3+2, кундузи эса 10-15 даража илиқ бўлади. Фарғона водийси вилоятларида ҳам шундай об-ҳаво кузатилади. Тоғли жойларда ҳарорат кечаси -2+3 даражани ташкил этса, кундузлари 5-10 даража илиқ бўлади.

РЕКЛАМА

3AZ FORZA
Автомобили для жизни!

Автосалон в Ташкенте
тел.: (+998 71) 215-09-11, (+998 91) 162-99-99
ул. Усмана Насира, дом 113 (ориентир - Южный вокзал, АЗС «РОУТАНТ»)

3AZ
www.sardor-avto.uz
Товар сертифицирован